

9 (955)-сон

4 — 10 март 2010 йил

Web-site: oilavajamiyat.uz

2

NATIONAL PRESS CENTRE OF UZBEKISTAN



**“АТИРГУЛ”НИНГ САККИЗИНЧИ СОҲИБАЛАРИ**

3

**МЕҲРНИНГ ВАТАНИ... ҚАЕРДА?**



4



**«ҚАЛПОҚ»ДАГИ АЁЛЛАР**

13

**МАШИНА МИНГАНДАН КЎРА...**




**Байрамингиз муборак бўлсин,  
мунис аёллар, дилбар опа-сингиллар!**

Маҳмуд ТООИР,  
Ўзбекистон халқ шонри

## ФАРЗАНД БЎЛИБ УМРИНИ ТИЛАНГ

Гўзалликнинг тимсоли аёл,  
Дерлар бахтининг висоли аёл,  
Ҳам меҳрнинг жамоли аёл,  
Демам унинг пойига қуланг,  
Ҳақдан сўранг, умрини тиланг.

У умримиз йўлидаги нур,  
У қалбимиз тўридаги дур,  
Тангри уни хур яратган, хур,  
Меҳрингизни бошидан эланг,  
Фақат унинг умрини тиланг.

Муҳаббатнинг меҳроби унда,  
Оқибатнинг офтоби унда,  
Садоқатнинг савоби унда,  
Сиз Лайлида, Ширинда синанг,  
Фарҳод бўлиб умрини тиланг.

Сизу биздан кутгани вафо  
Сизу бизга тутгани вафо,  
Аёлга ҳеч ярашмас жафо,  
У — онангиз, сўзига унанг,  
Фарзанд бўлиб умрини тиланг.

Кетмон тутса қўлидан олинг,  
Тош кўрсангиз йўлидан олинг,  
Ғами бўлса дилдан олинг,  
Синглингизнинг бошини силанг,  
Онангизнинг умрини тиланг.

Аёл — опа, меҳри уммоним,  
Аёл — опа, дардга дармоним,  
Аёл — сингил, жону жаҳоним,  
Майли энди, пойига қуланг,  
Тиз чўкинг-да, умрини тиланг!

### КЕЧА:

→ 26 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хузурида “Ижод” фондини ташкил этиш тўғрисида”-ги қарори матбуотда эълон қилинди.

→ 1 март куни пойтахтимиздаги Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияxonим хотирасига ўрнатилган ҳайкал қошида “Зулфияxonим ҳамиша барҳаёт” деб номланган бадий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ушбу кечада ижодкорлар, ҳассос шоиранинг шоғирдлари, фарзандлари, мухлислар иштирок этишди.

### БУГУН:

→ Тошкент шаҳрида III инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси ўз ишни давом эттиряпти. Унда ёш олим ва иқтидорли талабаларнинг 80 дан кўпроқ инновацион технологиялари кўйилиб, шуларнинг 18 таси “Келажак овози” республика кўрик-танловида ғолиб деб топилган ишланмалардир.

### ЭРТАГА:

→ Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида баҳорнинг илк айёми — 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни байрамини тантанали ўтказишга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

### ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Мактабни «иккинчи уйим» деб билган муаллима	2
Хонадонига меҳмон бўлган кизнинг армони	3
Дилрабо Бобоқулова: «Ўз манфаатим учун бир йигитнинг ҳаётини қурбон қила олмайман!»	5
Бели оғриганларга саккиз маслаҳат	6
Бекободнинг бегойимлари	7
Теледастурлар	8-10
Соч парвариши: шампунми ё катик — қайси бири фойдали?	11
«Қайин» сўзи «хотин» маъносини англатадими?	11
Ношукурлигидан уялган йигит	16

## “АТИРГУЛ”НИНГ САККИЗИНЧИ СОҲИБАЛАРИ

Садоқат, меҳру вафо, гўзаллик, нафосат... кўйинки, юзлаб, минглаб таъриф тавсифларга муносиб бўлиши мўтабар онахону, гўзал ва мунис опа-сингилларимиз шанига ҳар қанча самимий дил сўзларимизни изҳор этсак, барибир кам. Шу маънода кунги кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан қаламкаш ижодкор хотин-қизлар ўртасида аънавий равишда ўтказиб келинаётган “Атиргул” танлови голибаларини шарафлаш ва тақдирлаш маросими ўзгача байрамга айланиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон томонидан мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, оила ва жамиятдаги нуфузини янада ошириш борасида олиб борилаётган истиқболли дастурлар ва уларнинг ҳаётимиздаги аҳамияти хусусида сўз юритилди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ва бошқалар миллий матбуотимиз вакиллари, барча оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, хотин-қиз журналистлар масъулияти ҳамда улар олдида турган долзарб вазифалар тўғрисида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шундан сўнг “Атиргул” танловининг 12 нафар соҳибалари номлари эълон қилинди: Республика Маънавият тарғибот маркази етакчи мутахассиси Дилфуза Абдуллаева, Наманган вилоятидаги “Аёл ва жамият” газетаси муҳбири Шаҳзода Акбарова, “Қашқадарё” газетаси бўлим муҳаррири Шохиста Бозоро-

ва, Қорақалпоғистон телерадиоканали муҳаррири Улболған Ермбетова, “Анджонская правда” газетаси бўлим мудир Лариса Капустина, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси “Ёшлар студияси” лойиҳаси муҳаррири Назирахон Маҳсудова, “Паркент тонги” газетаси муҳбири Дилфуза Миробидова, “Саодат” журнали жамоатчи муҳбири Насиба Ризаева, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА бўлим мудир Назоқат Усмонова, “Ёш куч” журнали муҳбири Адолат Файзиёва, Хоразм вилоятидаги “Тумарис авлоди” газетаси муҳаррири Шарқия Эшжонов ва ҳамкасбимиз — “Оила ва жамият” газетаси масъул котиби Дилфуза Қўзиёвалар голиб деб эълон қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Фариди Акбарова сўзга чиқди.

(Ўз муҳбиримиз)

### ҚУТЛАЙМИЗ!

“Атиргул” танлови голибаси, иқтидорли журналист Дилфуза ҚУЗИЕВАНИ таъририятимиз жамоаси ва газетамизнинг кўп минг сонли мухлислари номидан чин дилдан табриқлаймиз ва ижодий баркамоллик тилаймиз!



## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ

уйғониш, яшариш фасли — Баҳорнинг илк кунларида катта шодиёналар билан нишонланадиган қутлуғ айём — Халқаро хотин-қизлар кунин билан барча пиру давлат онахонларимиз, мунис аёлларимиз, назокат ва нафосат тимсоли бўлмиш опа-сингилларимизни самимий

## МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

Оқила, меҳрибон, гўзал, Зебо, латофатли... Сиз аёлларни таъриф тавсиф эммоқ устун вистимиздан яна юзлаб, минглаб сўз ва ибораларни топшиш мумкин. Аммо буларнинг баъзиси сизларга бўлган текис эътиборимизни ифодалаш устун баъриб қамлик қилади!



Оилаларимиз шанин, фарзандларимиз сунин, қўлимиз ифтихори, қўлимиз қароли бўлган аёлларимизга байрамона кайфият, шоду хуфрамлик ва бахт-саодат ёр бўлсин!

## ✓ БАРКАМОЛ АВЛОД — МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ

# ҲАЛОЛЛИК, ТЎҒРИ ТАРБИЯ — БАРОМЕТР

Ўртбошимизнинг “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, ақлли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт” деган ҳикматли сўзлари ўзини шу Ватаннинг, шу юртининг фарзанди, фуқароси деб англаган ҳар бир инсон юрагида ўзгача ақс садо беради. Бу табиий. Негаки, давлатимизнинг бош сийсати ҳам эртанги кун эгалари — баркамол авлоднинг ёруғ истиқболлини кафолатлаш, уларнинг соғлом, бақувват ва ҳур фикрли бўлиб воғга етишлари йўлида қайғуриш, энг керакли имкониятларни яратиб беришга қаратилган. Узоққа бориб ўтирмасдан, бундан 15-20 йилча аввалги даврларни эслайлик: кишлоқ ҳудудларини қўя турайлик, ҳатто шаҳар ва туман марказларида кўзга кўринарли бирор ўқув юрти ёки салобатлироқ боно, иншоотлар бормиди? Айнан истиқлол йилларига келибгина мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида бунёдкорликка, ободончиликка алоҳида эътибор қаратилди, бириридан чиройли ва кўркам кўринишга эга бўлган коллеж-лицейлар, мактаблар, йўллар, кўприклар бунёд этилди. Албатта, бу улкан ишлар жуда осонгина, ўз-ўзиндан бўлгани йўқ.

“Баркамол авлод йили” Давлат дастурида жорий йилда ҳам ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликни янада кучайтириш, уларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан ҳар томонлама етук бўлиб воғга етишларини таъминлаш соҳасида махсус дастуриламал ишлаб чиқилганлиги алоҳида эътибор этишга арзийди. Чунки ҳар ота-она албатта, фарзандини энг аввало жисман соғлом ва бақувват бўлиб ўсишини istайди. Ҳўш, умид билан ўстираётган бостангиз дуркун, соғу саломат бўлсаю, лекин руҳий, маънавий томондан тўқис шакланмаса, кўнглида она юртини қадрлаш, эъозлаш, ота-онани хурмат қилиш, иззатини жойига қўйиш, кимлигиндан қатъи назар, яхшилик, эътиқат кўрсатиш ҳисси юрагида илдиз озғалик

бўлса, оқибати не кечади? Бу ҳам ҳаммамизнинг олдимизда турган ниҳоятда долзарб вазифа эмасми?

Яна бир муҳим жиҳати, катта ҳаёт остонасига қадам қўяётган йигит-қизлар энг аввало, ўзларининг фуқаролик бурчларини тўла англаб етишлари зарур. Оиладаги ижтимоий, маънавий муҳит ҳар бир ёшнинг жамиятдаги фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Бунда айниқса, ота-онанинг ҳуқуқий жиҳатдан саводхонлик даражаси кўп нарсаларни белгилайди. Масалан, баъзан гувоҳ бўлганмиз, зиёли оилаларда айрим низоли ҳолатлар (қўйди-чиқди, мерос таллашиш, мол-мулк билан боғлиқ ўзаро жанжаллар ва ҳоказо) савдо ёки тижоратга берилган, кўп ҳолларда бойликка руҳу қўйган хонадонларга нисбатан кам учрайди. Нега шундай деган ҳақли савол туғилади. Биз юқоридида алоҳида таъкидлаган маънавий тарбиянинг ўрни мана шундай пайтда ниҳоятда сезилади. Яъни ҳалол йўл билан топишган бойлик ҳар қандай замонда ҳам қадрланган, энгил-елпи топишгани эса баракасиз ҳисобланган. Айнан ана шундай ҳолатлар ҳам ёшларнинг онгига кескин таъсир кўрсатади. Ибрат олса арзийдиган тарбия усуллари эса эртага улар ҳаётини белгиловчи барометр вазифасини ўташи ҳам беҳиж эмас. Шундай бўлгач, биз фарзандларимизга фақат яхши ва хайрли амалларимиз билан ўрнак кўрсатсаккина, улар бизга эргашади, эртага ҳақиқий маънода ворис даражасига етишадилар. Акси бўлса, кимга қийин, аввало ўзимизга, қолаверса, ўз зурёдларимизга жабр қиламиз.

Баркамол авлод... Бу сўзлар замирида сизу бизнинг эртанги умидимиз, келажгимиз учун қўйилаётган пойдеворнинг мустаҳкамлиги билан боғлиқ саъй-ҳаракатларимиз ётибди.

Камола САИПОВА,  
Тошкент шаҳридаги 1-сонли  
Яққасарой тумани давлат  
нотариуси идораси нотариуси.

# ОЛИЯ ОПАНИНГ “ИККИНЧИ УЙ”И




## ✓ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ

керак бўлса меҳрибонман ҳам. Тасаввур қилинг, мингга яқин ўғил-қизларимизга аҳил ва иноқ жамоамиз билан ҳар кун куз-қулоқимиз. Ота-оналари бизларга ишонишяптими, шунга яраша ўз бурчимизни бажаришимиз керак-да. Шу масқанда истиқлолимизнинг илк йилдан бери раҳбарлик қилаётган бўлсам, мақтанисимас-у, лекин таълим-тарбия масаласида шаҳримиздаги бошқа мактаблардан қолишадиган томонимиз йўқ.

Айниқса, ўтган йиллар мазкур мактаб учун жуда хайрли кечди. Таълим даргоҳи 2008 йили тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди. Ўқувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилди. Бугунги кунда 22 та фан тўрагаги узлуксиз фаолият ўқитувчиларни, кейин эса ўқувчиларини назоратдан ўтказишга эринмасмикин? деганлари ҳам рост. Опанинг кундалик одати шундай. Узининг айтишича, қирқ йилдан бери муаллимлик қилаётган бўлса, бирор марта узрисиз сабоқларга келмай қолганини эслолмайди ва рамзий маънода айтганда, мактаб унинг “иккинчи уй”ига айланиб кетган.

— Ўзим аслида математик бўлганим боисми, аниқликни, айниқса, тўғрисиқликни, ҳалолликни ёқтираман, — дейди Олияхон Нишоновна. — Шунинг учун бошқаларга ҳам ана шундай талаблар асосида ёндашаман. Муаллим, мураббий ким ўзи? У энг аввало зиёли, қолаверса, оилада ҳам, маҳалла-қўйда ва, энг асосийси, илм даргоҳида ҳам бошқалар учун кўзгуга ўршади. Чунки унга кўпчилик эргашади, ҳавас қилади ва андоза олади. Тўғри, ўзимга яраша қаттиққўлман,

Ноила ХОЛМАТОВА,  
“Оила ва жамият” муҳбири,  
Фарғона вилояти.



# МЕХРНИНГ ВАТАНИ... АЁЛ ЭМАСМИ?

Оллох Одам Ато билан Момо Хавога қилган мурувату ҳаётларидан энг суюқлиси, кадрлиси ва кераклисига Меҳр деб ном қўйибди ва уларга осмондан жой берибди. Аввал Кўёшнинг ёнига юборибди. Унинг бўлса меҳри иссиқ, қайноқ эмасми, бир-бирига сингишолмабди. Шунда меҳр аразлаб, гина-қудурат қилиб, Ойни қидириб топибди. Унинг ёни эса оппоқ, чарогон экан, лекин совуқ эмиш. Совуқонлик Меҳрнинг таъбиға зид эмасми, туриб-туриб, яна жаҳли чиқибди. Ўзига янги макон қидириб-қидириб Ерга тушибди. Шунда у бироз таскин топгандай бўлибди.

Қараса, Ернинг бағри кенг, чек-чагарасти йўқ. Жуда боши қотибди. Сувга кирса, гоҳ совуқ, гоҳ иссиқ эмиш. Йўлда юрса, дам узок, дам қисқа эмиш. Тоққа борса, гоҳ балеанд, гоҳ чуқур эмиш. Борзорга борса шовкин-сурон. Чўпоннинг олдиға борса, бурилиб қарамабди. Темирчи Меҳрни тушунмабди ҳам, ўроқчи ўроғини кўрсатибди, тикувчи игнасини санчибди, обкаш чўминчи тутибди. Бахши боқаман дебди, қушноч қоқаман дебди. Баъзиларини ўзи писанд қилмабди, айримларига у маъқул тушмабди. Қараса, меҳр кўрсатадиган, жой берадиган жонзотнинг тайини йўқ. Кўписи уни танимабди ҳам, тан олмабди ҳам. Хуллас, Меҳрга меҳрпарвар йўқ эмиш.

Ўзоқ ўйға ботибди. Ўзига ўзи йўл, макон, манзилу ҳамдард истаб, яна йўлга тушибди. Далаға чиқса, минг битта ҳашароту курт-қумурсқаларға рўпара бўлибди. Улар ҳам ниманингдир илинжида юрган экан. Ҳаммасига бир чимдим-бир чимдимдан меҳр улашиб кетаверибди. Кенгроқ майдонға чиқса, катта-кичик ҳайвонлар — қўзи, улоқ, қўй, эчки, бузоқ, ситир, ҳўкиз, ит, от, тўя олдидан чиқаверибди. Берганини улар ҳам олаверибди. Оз-қўл деб талашмабди ҳам, тортишмабди ҳам. Лекин улардан бирортаси Меҳр ҳада қилаётган незъматнинг маъносинида, қадрини-да билмабди. Ер устиса, ер остидиғи бари жонзотларға илинса-да, барибир меҳри камаймабди. Аксинча яна тўлиб-тошаверибди.

Охири, юриб-юриб, ҳориб-толиб, тўлиб-тошиб одамлар орасиға етиб келибди. Ёшу қари билан гаплашибди. Аввалиға улар ҳам парво қилмабди. Қарашса, жуда ноб нарса экан.

Одамларнинг кўнгли тоғ, димоғи чоғ бўлибди. Ҳар ким истаганича олибди, бағри тўлганича, ақлиға сиқганича олибди, фаҳми етганича олибди. Лекин Меҳрнинг кўнгли тўлмабди. Ёш болага Меҳр ёпишмабди, ёпишадиган жойи йўқ эмиш. Ушлаб турса ҳам тушиб кетаверибди.



Бор-э, деб боланинғ ўзи ҳам Меҳрга яхши жой кўрсатолмабди. Эркаларға борибди. Қулай манзил топарман, деб ўйлабди. Эркаларнинг гурури-ю савлати унчалик ёқиб тушмабди. Чолу кампирларға бориб, ялиниб, ёлворибди. Жойининг тайини йўқ эмиш. Йўли қисқа, тор, охири кўриниб турган эмиш. Меҳрга эса туби аниқ ҳў, деворли кўрғон, белгили манзил керак экан.

Ана шундай макон қидириб анча овора бўлибди. Йўл юриб, мўл юриб, одамларни саралаб, сайлабди. Охири Аёлға — Онаға борибди. Кўрса, унда у истаган манзилға ўхшаш макон бор эмиш. Аввал астагина кўзға ўрнашибди. Қараса, кўринадан, кўрмакгина, чарақлаган, ўйноқлаган жой эмиш. Бир эмас, иккита эмиш, бир-бириға узок эмас, яқин эмиш. Гирдоб сингари айланармиш. Хурсандлиғидан Меҳр ол, олганинча, дебди. Косасини тўлдирибди, чаногоға солиб олибди. Чаппа қилиб, косасининг орқасиға

ҳам солиб берибди. Кичик бўлса ҳам ичи кенг, туби чуқур, феъли тузуқ экан. Ҳамма ёғини тўлдириб олибди. Яхшисини, сарасини, янглиларини териб, танлаб олибди. Меҳрнинг ҳам саҳийлиги тутибди. Тиниб-тинич шў масканда қолиб кетибди. Меҳр — кўзда, деган гап шундан қолган экан.

Қараб турса, кўзнинг ўйини, хуштори кўп экан. Бировларға ишва қилади, қиё боқади. Одамлар кўзға маҳлиё бўлиб кечаю кундуз аёл теварағида парвона. Меҳрнинг ҳам бир қуни сайр қилгиси келиб қолибди. Кўздан чиқиб, бошға қўнибди. Туйнук очиб қараса, бошнинг ичида Ақл, Фаҳм, Фаросат деган манзиллар бор экан. Улар билан танишибди. Тиллашибди. Иноқ уч оға-инини кўриб, ёнма-ён манзилда яшаётганини билиб, завқи тўлиб кетибди. Шулар билан ошна бўлай, бирға яшай дебди. Бу манзил худди Сусамбилдай кўрғон экан. Яшаса яшайдиган, турса турадиган, бемалол

юрaveraдиган, қанот боғлаб уҳса бўладиган манзиллиғидан беҳад хурсанд бўлибди. Ўзи истаган манзил тоганидан бошим осмонға етди деб ўйлабди. Бир қуни шундай қўлини кўтарса, қўли суякка тегибди. Туйнукдан қиргани эсидан чиқиб кетган экан. Балеандда яшаш жонимға теғди деб туйнук очиб ташқари чиқибди. Ақлу Фаҳму Фаросат билан хайр-хушлашибди. Бўйинға, елкаға қўнибди. Ёмон жойлар эмас. Иссиққина, нозикқина, супургиси ҳам бор, елпигичи ҳам бор. Сал нарида оғиз, бурун, қулоқ, тил деган соқчиларни ҳам кўрибди. Улар ҳам ҳўл-аҳвол сўраб, бир умр хизматдалиғини айтибди. Ҳаммасидан ҳам Меҳрнинг тилға кўнгли тушибди, ҳам кўнгли тўлибди. Ақлу Фаҳму Фаросат деган улўғ манзилға шерсифат соқчи эканлиғини билиб бор-будини унға беришға қарор қилибди. Тил тайғоқлик қилибди, айғоқлик қилибди. Бир юғурдак зотлиғини ошкор этмабди. Шундай бўлсаям, Меҳр бисотини аямабди.

Меҳр яна ҳам яхшироқ жой излаб сал қўйи тушибди. Аёл кўксига келибди. Бу ерга келиб қолганидан суюнибди, кеч келганидан қуюнибди ҳам.

Саҳийлиги тутиб кетибди. Унинг ҳимматидан иккита чашма пайдо бўлибди. Меҳр бундай жойни ҳеч кўрмаган, билмаган экан. Чашманинғ бағрини ўзиники қилиб олибди. Шундан сўнғ унинг суви қуюқлашибди, шираға тўлибди, оламда тенгсиз шарбатға айланбди. Ундан гоҳ Фаҳм, гоҳ Фаросат, гоҳ Ақл шарбати чиқар экан. Барчаси йиғилиб Меҳр шарбатға айланар экан. Шу туфайли одамлар бу икки чашманинғ бирини Меҳр чашмаси, бирини Ақл чашмаси деб атаркан.

Алқисса, Меҳр Аёл қалбини ўзига доимий яшайдиган кўрғон қилиб олибди. Аёл — меҳр маскани, Аёл — меҳр бўлоғи...меҳр ватани, меҳр кўрғони, меҳр яратадиган, кўпайтирадиган зот, деган гаплар шундан қолган экан. Янаям билмадим, нечун Меҳр Аёлда қўнин тоғди, нега Аёл Меҳрга қўноқ бўлди, нечун у Аёлда ўзини кўрди-ю, ўзини топди.

Бу гаплар бўлганим, ўзи, қаерда, қачон бўлган, ким гувоҳ? Ривоятми, ҳақиқатми? Меҳр Аёлдан воз кечса, Аёл Меҳрни бағриға олмас, у қаерға борарди, қаердан ватан топарди? Бу жумбоққа ким жавоб айтади?

Тўра НАФАСОВ,  
Қарши Давлат университетининг профессори.

## БАЛОҒАТ ОСТОНАСИДАГИ ЎСМИР

✓ 2010 — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

Юртбошимиз томонидан жорий йилимизнинг "Баркамол авлод йили" деб номланишида алоҳида рамзий маъно бор. Чунки келажак авлодларнинг баркамол бўлиб вояға етиши, улғайишига мустаҳкам замин ҳозирлаш ҳар доим энг муҳим омил бўлиб келган. Худди ана шу мақсадда мамлакатимизда "Баркамол авлод йили" Дастури қабул қилиниб, ёш авлоднинг онгу тафаккурини бойитиш, аинқиқса, дунё миқёсида глобаллашув жараёнининг меваси деб талқин этилаётган "оммавий маданият" тушунчасининг хавфли таъсирларидан фарзандларимизни ҳар томонлама ҳимоя этиш йўлида амалға оширилиши лозим бўлган энг долзарб вазифалар белгилаб берилди. Ёки олайлик, мактаб ўқувчилари, коллеж ва олий ўқув юрталари талабалари ўртасида аёнанавий тарзда мунтазам ўқузиб келинаётган спорт мусобақалари чин маънода ёшларнинг жисмоний камолотға эришувидан энг муҳим пиллапоя вазифаси ўтамоқда. Айнан ана шундай беллашуларда чиниққан, тобланган йигитликлар қатор спорт турлари бўйича юртимиз шарофтини муносиб ҳимоя қилишаётгани алоҳида таъкидлашға арзийди.



табий. Масалан, ўқув юртларида, ёшлар иштирокида уюштирилаётган айрим тадбирларда мулкчилик, фуқаролик, шу жумладан, никоҳ тўғрисидаги меъерий ҳужжатлар, Оила кодексидиғи моддалар мазмуну ёки ота-оналарнинг фарзандлар олдидаги бурчлари нималардан иборат эканлиги билан боғлиқ жумбоқларға ечим топишда яиндан кўмаклашимиз зарур. Ана шундай пайтда қонуний асосланган ҳужжатларға таяниб, батафсил маълумотлар акс этган, жонли мисоллар асосида ёшларимиз билан мулоқотға киришамиз.

Балоғат остонасиға қадам қўяётган ҳар бир йигит-қиз жисмида қандай ўзгариш содир бўлса, унинг руҳиятида ҳам худди шундай ўйғониш, ҳаётға, яшашға бўлган муносабат шакллана бошлайди. Бу ҳамада содир бўладиган жараён. Худди ана шундай пайтда уларға жиддий эътибор бериш керак. Сабоби, баркамолликка интилаётган ўсмирнинг мактаб ёки лицейдаги фаолияти, ҳаётға бўлган қизиқиши, дунёқарши коллеж ё институтдаги талабадан маълум маънода фарқ қилади. Оила, ўқув юрти, жамоатчилик орасида ўзини қандай тутиши, ҳис этиши биз катталарға кўпроқ боғлиқ. Унутмайлик, биз шундай вақтда уларға фикрдош, яқин кўмақдош бўлсақина, тарбияда кечикмаймиз.

Хатира ГАИТОВА,  
Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси.

## ЭНДИ ЎЗИМ ОНАМАН...

✓ ШУКУҲ

Онажон! Нуридийдан менинғ. Кенг кўнглимнинг айво-нида туриб, бирам соғиндимки сизни. Қумушдек оппоқ сочларингизға, тиниқ юзларингиздаги сонсиз ажинларға боқиб, нега бунча тез қартайганинғизни энди-энди англагандай бўлаяпман. Ўз-ўзимға савол бераман: нега оналарнинг сочига бу қадар тез оқ тушаркин? Жавоби ҳам ўз-ўзидан топилади. Биз деббос фарзандларнинг қулоқсизлигимиз, билиб-билмай дилларини оғритишимизу ҳаддан ортиқ эркиликларимиз туфайли эмасмикан? Бизни деб сара кийим қия олмадингиз... Энг яхшиларини сандиққа жойлаб, бизлар учун сарпо қилдингиз. Аммо биз қўзларингиз-чи, сизға нима бердик, онажон? Масалан, ўзимдан қиёс, энди билсам, мен сизнинг бағрингизда маликалардек шоҳона яшар эканман. Қанийди, йиллар ортға қайтса-ю, сизни маликадек қафтида турсам. Мана, ўзим ҳам онаман. Гоҳ кўзуга термуламан, пешонамға туша бошлаган ажинларни кўриб... кўнгли ўксийди. Сочларимға оралаб қолган оқ толаларға разм соламан. Сўнғ секин сизға нигоҳ ташлайман. Демак, оналарни фарзанд ташвиши қаритар экан-да, дейман ичимда секин. Эҳ-хе, сиз чеккан захмату меҳнатларнинг салмоғини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Минг бора қуллуқ онажон, сизға фарзанд бўлиб лоқал кўнглинғизни олишға қурбим етдимми? Ҳар доим худди азиз меҳмонингиздай бўлиб бир пағсина ёнингизда ўтирмаман ва ўзингиз «Боланим, уйингға бор, болаларингиз кутиб қолмасан, ўзим эртаға бораман, хўпми», дея шошилтирасиз мени. Дийдорингизға тўймай қайтаман яна. Сиз менға фарзандлик бахтини ато этгансиз. Бу бахт мен учун ҳар қандай унвондан улўғроқ ва юксакроқдир, онажон!

Дилфуза ҲОТАМОВА,  
Тошкент вилояти Бўка тумани.

— Ширмоной опа, «Қалпоқ»да ўйнайдиган ролингизда анча содда, бироқ биров кўполроқсиз...

— Аслида эса ҳаётда оддий, ишонувчанман. Мана, ёшим олтимишда бўптики, кўнглим ҳалиям боладай, ишонсангиз. 2005 йилда «Қалпоқ»даги Мараймамат тоға (актёр Раҳмонли Суробов)га партнёр — “хотин”ликка актриса излашганда, мени муносиб деб топишганди. Унгача Андижон вилоят театрида 20 йил ишлаб, ҳар қандай актриса орзу қиладиган қатор ролларни ўйнаганман. Айнан «Қалпоқ»қа келгач, мен учун бошқа бир ижод мактаби очилди, десам муболага бўлмайди. Лекин аслида «эрим Мараймамат тоға» даярли ўғлим тенги. Шу боис гуруҳимиздагиларнинг ҳаммаси мени «она» деб чақиршади.

— Истайсизми, йўқми, санъат соҳасида турли хил миш-мишлар, баъзан ғийбатлар, қарама-қаршиликлар ҳам бўлиб туради...

— Тўғри, бу бошдан нелар ўтмайди. Қийинчилик, муаммолар, ташвишлар кўп бўлган. Баъзан чидаломай йиғлаганман. Мабодо мени ҳам камситишса, табиийки, эзиламан, руҳан қийналаман, лекин бировларга ҳеч қачон дардимни дoston қилиб юрмайман, кечираман, “Шулар билан тенг бўлайми энди?” дейман-да, пастроқ тушаман. Ана шу нарса ўзимни топтатиб қўйишга йўл қўймайди. Хайрон бўляпсиз-а, мен, ёмонни унутаман, холос.

— Айтишларича, аёлларни кучли, кўркмас, қудратли қилувчи ана бир туйғу бор. Бу муҳаббат эмасми?

— Раҳмат-е сизга, кўнглимдаги гапни айтдингиз. Шу ҳақда жуда кўп ўйлайман. Нега энди биз ёши катталар севги, муҳаббат ҳақида гапиришдан, баҳслашишдан истиҳола қиламиз, дейман. Ахир, ҳар қандай одам ёши бир жойга борганида ёнида бир суянчиқ, бир меҳрибонга муҳтож бўлади. Ич-ичида ана ўша севимли инсоннинг ёнида бўлишини истаб яшайди. Масалан, чин дилдан Оллоҳга ишониб, сиғиниб, топиниб, муножот қилиб яшаймиз-ку. Асл муҳаббат ҳам шу-да, ўзи. Турмуш ўртоғим Фаридун Ибрагимов билан яши яшадик. Қийинчиликлар ҳам бўлди. Лекин на илож, пешонамда бор экан-да, бевақт дунёдан кетди. Аммо



қўзимнинг оқу қораси ўғлим Шухратжон, келиним Дилнозаҳон, жажжи набирам Самандар ярим бағримни тўдириб туришибди. Бу — менинг тақдирим. Лекин ҳар бир инсон юрагининг туб-тубида бошқа бир сирли ҳаёт ҳам бор, ишонинг. Бу бизнинг севгимиздир.

Шу боис нафақат ёшларимиз, балки ҳаммага баралла шундай дегим келади: севги ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган бахт, қисмат. Яна бир жиҳати, севган одам ҳар доим кечирисига ҳодир, у инсонга илоҳий куч бағишлайди. Севмаганлар-чи? Бундайлардан кўрқиш керак, улар на муҳаббатни, на ўзи, на бошқаларнинг қадрига етади. Биламан, менинг бу гапларимни ўқиганлар «Барибир идеал муҳаббат бўлмайди», дейиши табиий. Нега бўлмас экан, улар жудам кўп.

— Аёлларнинг қайси жиҳатларини ёқтирмайсиз?

— Нолиган, ғийбатга берилганларни сира жиним суймайди. Айниқса, турмушдан, эридан ранжиганларни кўрсам,

Ҳеч эътибор берганмисиз, аёллар одатда кимнидир ранжитишдан кўра кўнглини кўтаришга мойил бўлишади. Уларнинг эркаловчи жумла-лари эса доим беғубор кулгуга, ёруғ ният ва... бирозгина кинояга йўғри-либ келган. Бироқ, афсуски, ана шу уч жиҳатни ҳаёти мазмунига, умр машаққати ва масъулиятига айлантира олган аёллар камдан-кам топилади. Ахир, рост-да: ҳамма аёл ҳам йиғлоқи бўлиши мумкиндир, аммо ҳаммаси ҳам доим каттаю кичики кулдириб юролмайдди. Фақат бугун-ги саҳифамиз меҳмонлари — “Ёшлар” телерадиоканали орқали намойи-ш этилаётган “Қалпоқ” ҳажвий кўрсатуви актрисалари — Ширмоной Абдуллаева ҳамда Барно Тешабоевалар бундан мустасно.

гашим келади. Ўтаётган умрга, фанимат дамларга шукр қилиш керак. Масалан, нолийман десам, менда ҳам-алам йўқми? Мана ҳозир оёғим оғриб юрибди. «Жанг Богодан эсдалиқ», деб кўяман. Чунки ўша «Денгиз ҳукмдори» сериалига пародия сифатидаги саҳнани тасвирга олиш учун икки кун дала-дашда қор кечиб юрганмиз. Ушанда совуқ уриб кетган бўлса керак-да, дўхтирга боришгаям вақт то-полмаяпман. Ёки баъзан ҳозирги икмон-иятларим (телевидениега чиқиш) ёшлигимда бўлмасмиди, деб армон қиламан. Лекин ўқсимайман, худо хоҳ-ласа, дунёни кўраман, Ҳиндистон, Ве-нецияга бораман (барибир шунга эри-шаман) деган ниятларим бор. Қолавер-са, Барно қўзимнинг, йигитларимиз Раҳ-монли, Мухтор, Орифжон, Исқандар-ларнинг янги-янги қирралари очилиб боришини тилайман. Аёлларимизга эса ҳар қандай қийинчиликда ҳам худо сабр берсин, дейман.

— Барно, сизни Умида Мирхамидованинг «Оқ атиргуллар» кўшиғига

— И-е, нимага?  
— Сочим куюроқ ўссин деб-да! Бу ҳам чиройли кўринишга интилганми бўлса керак, шекилли. Т а с а в в у р қиялсизми, шаталоқ отиб, ўғил бола-лар д е к сўкиниб,



# «ҚАЛПОҚ»ДАГИ АЁЛЛАР

ишланган клипдаги но-зиккина скрипкачи қиз дейишганида, очиги, ишонмаган-дим. Ахир сизнинг ёшингиздаги актрисалар ўз гўзалликларини кўз-кўз этишни ёқти-рар экан. Сиз эса асична...

— Нега ма-ликалар роли-ни ўйнамай-сиз, демокчи-сиз-да! Мен азалдан ташқи гўзалликка ҳечам жиддий қарамайман. Сунъий кўринишлар менга эриш туюлади. Масалан, баъзи санъаткорлар нега-дир ёшини, ё ҳақиқий фамилиясини яширади. Мен эса бундай махмулликни ҳазм қилолмайман, ёлгон гапиришни ёмон кўраман. 1971 йилнинг 14 апрели-да Чинозда турилганман. Биргина Аль-фия кампир ролим билан озми-кўпми, ўз мухлисларим кўнглидан жой олибман-ки, демак, гап фақат кишининг ташқи кўринишига боғлиқ эмас экан-да.

— Барибир, мухлисларга Барно Тешабоеванинг аслини билиш қизиқ-роқ-да...

— Болалигим қишлоқда ўтгани учун-ми, 8-синфга қадар ҳам бўш қолдим де-гунча эшак миниб, қўй боққани чиқиб кетардим. Табиийки, ўртоқларимнинг кўпчилиги ўғил болалар эди. Ишонасиз-ми, мен тенги қизлар бир чиройли бўлиб, уй ишларини саранжомлаб, ов-қатларни пишириб, ўтирган ёшда мен сочимни қирдириб ташлаган эдим.

мушлашиб юрган қиз кимга ҳам ёқарди, дейсиз... Қаёқда! Шундай қиз-ларни ҳам яхши кўриб қоладиганлар бўларкан. Мактабда, Лекин ҳалигача хайрон қоламан, негадир мени аёлчи, тартиб-интизомли болалар яхши кўриб қолишарди. Уларнинг назо-қатли севги изҳорлари эса... менинг ча-пани гап-сўзларим ва тўполоним баҳо-насида бир зумдаёқ тарқаб кетарди. Баъ-зан ўзим ҳам хайрон қоламан. Вой, тав-ба! Бошқа қизларнинг ҳаваси келиб юра-диган йигитлар менга ошиқ бўлса-я? Ҳозир ўшаларнинг даярли ҳаммаси об-рўли, мартабали бўлиб кетган, учрашиб қолсак, эслаб қулишамиз.

— Нима, сизга жиддий йигитлар ёқмасми?

— Гуруҳимиздаги йигитлар «Барно-нинг кўнглига йўл топадиган, уни жилов-лайдиган эркак йўқ», дейишарди. Бу эса кўпам тўғри эмас. Ёшлигимдан нуқул ки-нофильмлардаги қахрамонларни севиб қолардим. Тунлари йиғлаб чиқардим, осмоний орзуларга берилардим. Лекин ҳаммаси ичимда, романтик хаёлларим-да бўларди. Ҳозир эса ҳаётга анча реал қарайман. Нималарга етишса бўлади-ю, нелар хомхаёллигини тушунадиган ёшдаман. Шунга қарамай, орзу-ниятла-рим жуда кўп. Масалан, эрталаб кўлим-да юз минг сўм пул бўлса, уни кечгача шатир-шутир ишлатиб қўйиб, кечкурун юз қим қарз сўраб юрган пайтларим ҳам бўлади. Лекин ҳеч қачон моддий ё ру-ҳан синиб қолмайман. Лаҳза ўтмай қар-шинда бошқа бир имкон пайдо бўлаёт-ганини пайкаймаман-да, ҳаракат қиламан.

— Шаҳсан сиз учун ҳаётингизда энг қадрли ва азиз бўлган кишила-рингиз?

— Бу дунёга келиб топган энг улуғ бойлигим қўзим Ситорат! Кўз тегмасин, жуда ақлли, оғир-босиққина, менга ўхшамайди. Ўқишлариям яхши, чет тил-ларини ўрганаяпти. Анча жиддий, тоҳ-ро менга ҳам ақл бўлади эркатойим. Тўғри, инсон ҳаётига ота-онасидан азизроқ ва меҳрибонроқ зот йўқ. Мен учун ҳам шун-дай. Уларнинг дуолари туфайли шундай

## БАЙРАМ ГУРУНГИ

нурли кунларга эришяпман. Энг муҳи-ми, ишимни жуда яхши кўраман. “Қал-поқ”дагиларнинг эркасиман, десам бўла-ди. Ҳаммаси яхши кўради, қўллаб-қув-ватлашади, фелъ-атворимдаги айрим қусурларни кечиряшади. У ёғини сўра-сангиз, «Альфия кампир» ҳам мен учун қадрлидир.

— Бу образни ўзингиз топганим-сиз?

— Йўғ-ей! Қишлоғимизда худди ана шу кампирнинг прототипи яъни ҳаётда-ги акси бор. Болалигимни эслайман. Ёзда чорпойда ухлардик. Ўша кампир са-ҳар мардонданок ҳамма кўни-қўшни-ларнинг болаларини шангиллаб «Ту-рингиз, паразитлар, ухламангиз! Сув таши, молга қоранг, ишланг!» деб ҳол-жони-мизга қўймай, уйғотиб чи-карди. Ишо-на

сизми, ярим кечаси соат учдаям шу кам-пирниқига бирор нарса сўраб чиқсангиз, тунги кўйлагининг устидан бўлса ҳам пешбандини тақиб олиб, эшик очарди. Мен бу аёлнинг образини талқин қилиш учун Янгиобод буюм бозорига бориб, эски-туски сотувчилардан кўзойнақ, ка-лиш, пайпоғу пешбандгача — ҳамма-хам-масини бирма-бир йиғиб чиққанман. Ҳозир ҳам ўша ҳола мени кўрса, «Син паразит, телевизирда мени кўрсатдинг-ба?» деб ёзғиради. «Йўқ, аний, у сиз-мас, бошқа», десам, «Иса, нимага атиям Альфия, фартуғи ҳам миники-ку?» дей-ди. Кейин қула-қула қочиб қоламан...

Ширмоной опам менга «Барно, се-нинг Альфиянг кексаларга умид бағиш-лайди», деб қўяди баъзан. Ростдан ҳам, бундай тиниб-тинчимас, ҳамманинг иши-га аралашиб, ўзини эмас, бошқалар ман-фаатини ўйлайдиган, энг муҳими, ҳеч кимнинг кўнглини оғритмайдиган, ак-синча, барчани кулдириб юрвчи онахон-ларнинг борлиги биз учун катта бир дав-лат, бойлик эмасми?

— Газетамиз мухлисларига кўнгли тилакларингиз...

Ширмоной Абдуллаева:

— Тинчлик ва осойишталик, аҳиллик ва тотувлик, тўкин-сочинлик барқарор бўлган Ватанимизнинг, ҳазил ва аския, кулгун хуш кўрадиган она халқимиз-нинг барча хотин-қизларини кириб ке-лаётган баҳор байрамлари билан севим-ли “Оила ва жамият” газетаси орқали чин юракдан табриклаётганимдан ниҳоятда хурсандман. Мунис ва дуоғўй онахонлар, дилбар опа-сингилжонларимга сихат-саломатлик ва меҳр-муҳаббат тилайман! Илоё, кўзларидан фақат севинч ёшлари оқсин, бир кўли бешикда, бир қўли юрак-да бўлсин!

Барно ТЕШАБОЕВА:

— Қаранг, баҳорнинг илк байрами ҳам бизларга бахшида этилган. Бу ҳам бах-тимиз кулганидан дарақ. Ниятим, Ярат-ган бизларга ато этган Аёллик бахтидан ҳеч кимни айирмасин. Бу кунларга ет-ганлар бор, етмаганлар бор, ҳар доим кулгу, шодлик ҳамроҳингиз бўлишини тилайман!

“Оила ва жамият” муҳбири Дилфуза КҶИЗИБЕВА гурунглашди.

# МУҲАББАТ ЎЛМАЙДИ, МУҲАББАТ ЯШАЙДИ

ёхуд қашқадарёлик Дилрабо Бобоқулова қисматига  
оид бир ҳикоя

Бор эди юришга менинг ҳам ҳаққим,  
Дунёни кўришга менинг ҳам ҳаққим,  
Ўртаниб севишга...

Орзуларнинг гултожи ўртаниб севиш ва ўртантириб севдириш эмасмикин? Йўқ, мен жуда тор қобикдаги, йигит ва қизнинг бир-бирининг қошу кўзи, овози, барно қомаги ва ҳоказо ботини қиёфасига махлиё бўлиб, охири оқибат бир ёстиққа бош қўйишни ният қилибгина яхши кўриши ҳақида гапирмаяпман. Юқоридаги сатрлар муаллифи Дилрабо Бобоқулованинг қалби жуда ёшлигидан табиат, ҳаётнинг гўзаллиги, мўъжизалари, мурувватлиги, эзгуликка ошурфта бўлди. Зеро, ўзи...

"Тақдир тақозоси билан менинг болалик йилларимнинг бир қисми Қарши шаҳридаги болалар ва ўсмирлар интернатида, аниқроғи, 3-сонли махсус мурувват уйида ўтган..." — бу Дилрабонинг хатидан сатрлар. У дунёга келган кундан бошлаб тақдирнинг машаққатли синовларини енгиб яшамоқда. Оғир дард...

"Мен ёшлигимдан кўчада уйнаётган мактабга кетаётган тенгдошларимни уйимиз деразаси ёнида ўтириб кузатиб, "Каниди, менинг оёқларим ҳам юрсаю, дугоналарим билан чопқиллаб уйнасам, кўлларим ёзса — мактабга бориб ўқисам..." — деб орзу қилардим..."

Аммо ҳаётнинг ҳақиқий синовларини қарангки, Дилрабонинг имкониётлари жуда-жуда чекланган вужуддаги ўқтам қалбга анча-мунча сопа-соғ одамларга насиб этмайдиган ирода, ишонч, меҳр-муҳаббат, қобилиятни жо этган экан. У ақлини танигандан бошлаб ўз дардлари, оғриқлари, муаммоларини сокингина сабот билан енгиб, жамиятнинг фаол аъзосига айланиб борди.

"Мурувват уйида менинг киприкларим узун-узун, жайрон кўзи, қалдирғочнинг қанотидек қайрилма қоши, отаси жазорилки, онасининг асл миллати тожиқ бўлса-да, Ўзбекистонда туғилган Ирина исмли дарддош дугонам бор эди. Аллоҳнинг иродаси экан, у оғир дард туфайли менинг кўз олдидан ҳаётдан кўз юмди. Орадан йиллар ўтиб ҳам унинг маъносига нигоҳи, ота-онасини соғиниб ўқиб-ўқиб йиғлагани сира кўз олдидан кетмади. 1999 йили унинг хотирасига бағишланган "Онамга мактуб" деган ҳикоям (уни бошдан-оёқ онам қозғога туширди, чунки менинг бармоқларим измишга бўйсунмайди) дунёга келди..."

Дилрабо онаси Гулнора опанинг маслаҳати билан бўзганини Ўзбекистон миллий телерадиоканалининг "Оталар сўзи — ақлининг кўзи" кўрсатувига юборди ва ўз ҳаётида телевидение билан боғлиқ янги бир саҳифани "қашф" қилди.

Дилрабо Бобоқулова айни кунларда бир неча адабий китоблар муаллифи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ўз атрофидаги адабиётга, ижодга қикзиқувчан ёшларнинг энг яқин дўсти, маслаҳатчига айланган.

"Бор эди ўртаниб севишга менинг ҳам ҳаққим", деб ёзганди у бир пайтлар...

"Синглим, сизнинг тақдирингиз ҳақида ўқидим-у, хат ёзишга киришдим. Сабаби, 25 йилдан буён бу ёруғ дунёда яшаб, ҳали бирор қизнинг қўлини тутмаган мендек инсон сизнинг тақдирингизга бефарқ қараб турсангиз... Сиз ярим кўнглиман, дея озор чекманг. Чунки хоҳ яхши, хоҳ қайғули дамларингизда, агар рози бўлсангиз, бирга бўламиз. Тўрт мучам соғ, аял қомат йигитман, бир умр сизни дея ашашга розиман..."

Панжара ортида жазо муддатини ўтаётган Фахриддин исмли йигитдан 2005 йилнинг 11 июль кўни ёзилган бу мактубни кимдир шунчаки кўнгилхушлик

учун, биров қизнинг ўқиб қилини кўтариш (зеро, Дилрабо бошқалар унинг кўнглини кўтарадиган қиёфадаги оғир ва таскинотлаб киз бўлишни сира истамайди!) ёки ўзини олижаноб кўрсатиш мақсадида битилган, деб ўйлаши мумкин. Лекин мактубларни кўриб қолсангиз, уларда-



ти майда манфаатлардан устун бир туйғуға беихтиёр боғлини қоласиз:

"...Ғоҳ-ғоҳида мен ҳам сатрлар битиб, ҳисларимни қозғога тўкиб соламан. Охири пайтда ёзганларимни фақат сизга бағишлаётгандекман.

Фахриддин. 11.07.2005".

"Суратингизни юборибсиз, кўриб, роса хурсанд бўлдим. Дилрабо, мана бу шеърим ҳам сизга бағишланган:

**Тўшларимда сочинг тилоб**

**Тонг бўлмасин, мангу ҳиллол —**

**ой бер, менга.**

**На маконим, на уйим ва**

**на масканим,**

**Ёлғизгинам, юрагиндан**

**хой бер, менга...**

...Агар иложи бўлганда, сизни бахтиёр кўриш учун ўз оёқларимни сизга берган бўлардим. Лекин на илож, бу Худонинг бир синови экан. Сизнинг ёнингизда мен борман. Ҳаётим ҳақида сўрасиз. 1980 йили гўзал Наманган вилоятининг Тўрақўрган шаҳрида туғилганман. Отанам, тўрт нафар синглим бор..."

Муҳаббат куйчиси Фузулий "Кўзи ёшлуғларинг холин на билсин мардуми гофил", деганларидек, кўнгил изхорларини таҳлил этмоққа бизнинг ҳаққимиз борми-йўқми?..

"Дилрабо! Хали юрак ютиб ҳеч кимга айтмаган сўзимни, яъниким дил изхоримни эртага кириб келаётган кутлуғ байрам баҳонасида сизга изхор қилмоқчиман. Қайсар кўнглим шунга мажбур этди. Уйлаيمانки, бу борада мени айбламайсиз. Ўша сўзлар шуки: Дилрабо, мен сизни бутун борлигим билан севаман.

Фахриддин. 2005 йил 30 август".

Ҳақиқий муҳаббат асосан китобларда, киноларда қолди, деб хўрсинамиз, нолиймиз... Ахир, кимлардир муҳаббатни ўтар дунёнинг ўтар-кетар манфаатлари билан ўлчаसा, бу боқий туйғуда нима айб? Аслида, қалбимизга қулоқ солсак, қалбдан мўъжиза изласак, атрофимиздаги

моддий бойликлару амал курсиларидан мингдан минг бора афзалроқ, кунларимизни, умримизни гавҳар чироқ мисоли ёритадиган хазина — Муҳаббат мулкида қолармидик?

"Бир эмас, минг кам дунё" номли китобингиз ва мактубингизни бугун олдим, менга бўлган эътиборингиз учун миннатдорман. Дилрабо, биласизми, инсоннинг қалбидан жой олишга фақат жисмонан соғлиқ эмас, балки қалб гўзаллиги керак бўлади. Дилимда шундай бир улкан орзу пайдо бўлдики, у ҳам бўлса сиз билан умр ришталарини боғлашдир. Албатта, Худо шунга хоҳлаган бўлса?..

12.11.2005 йил.

Фахриддин".

Ушбу мактубларни бирор бир адабий китобдан кўчирма ёки ўқувчини ҳайратлантириш учун журналист ўзи ўйлаб топган деб ўйланган. Кўриб турганингиздек, бу муҳаббатномалар ўтмишдан ёдгор ёки ҳаёл махсули ҳам эмас. Адашган (беайб — Парвардигор), лекин гуноҳини англаб, уни эзгу ишлар билан ювмоқни аҳд қилган Фахриддин ўзини Дилрабога таништиради:

"Яхши ўқиганим боис институтнинг информатика факультетига грант асосида ўқишга кирдим. 2002 йили ҳарбий хизматга отландим ва Қашқадарёнинг Муборак шаҳрида йигитлик бурчимни ўтаб келдим. Ўқишни тамомлагач, шаҳар ҳокимлиги қошидаги товар ишлаб чиқарувчилар палатасига компьютер мутахассиси бўлиб ишга кирдим, кейин "Аҳборот ва маслаҳат маркази"да ишладим.

Мактабда ҳам, институтда ҳам ҳеч кимдан ёрдамимни аямасдим. Мана, тақдир экан, Худо сизни учратди. Лекин мен ҳам фаришта эмасман, оддий инсонман, яъни ҳаёткорман. Бепарволигим учун адашдим..."

Фахриддин жазо муддатининг тугаши куну соатлар санаб кутади. Бир ярим йил давом этган ёзишмалар давомида йигит Дилрабонинг кўнглини, қўлини сўрайди. Лекин ўзи кутган жавобни ололмади. Сабаби... бу ҳақда кейинроқ.

"Сиз фақат бугунги кўнглингни ўйламанг. Яна ўн-ўн беш йиллардан кейин кимларнинг қўлида қоласиз? Ҳозир ота-онангиз бор, лекин улар ҳам дунёга бойлаб берилмаган-ку! Шунинг учун сизни бир умр ардоқлаб яшайдиган умр йўлдоши керак. Мен бу сўзларни чин юракдан гапиряпман. Бу сўзларим аччиқ бўлса-да, ҳақиқатдир. Кўзингиздан секин ёшдан бўлак ёш оқмасин."

Фахриддин. 21.01.2006 йил".

Дилрабо йигитга китоблар, ўз ижодидан намуналар юборди. Мактубларда нигоҳларингиз қиёфаси, нафасларингиз харорати, кўнгилларингиз мунавварлиги, муҳаббатнинг суратлари бор...

"6 декабрь, 2006 йил. Тонгданок шамол учириб, қор ёғмоқда. Ҳаёлан, узоқларда, дераза ортидан менга қараб тургандексиз гўё...Телефонда овозингизни эшитган кунимни бир умр ёдимдан чиқармасам керак".

Айримларингиз кўнглидан "Ҳа, энди, олисдан туриб ҳар нарсаларни ёзиш мумкин. Ота-онаси ўша йигитнинг ногирон қизга уйланишига рози бўлишармикин?" деган қабилдаги фикрлар кечиши ҳам мумкин.

"Дилрабо, яқинда ойижонимдан хат олдим. Волидамнинг мактубларида сиз тўғрингизда ҳам фикрлар бор. Унда

✓ КўНГИЛ МУЛКИ



"Яхши кўрган қизингизнинг суратини юборган экансан, олдим. Мен у қиз билан турмуш қуришингга қарши эмасман. Чунки унинг ҳам, сенинг ҳам ҳолатингни тушуниб турибман. Фақат мени ўйлангиз раётган нарса шуки, сен у қизга қараб, ҳам эрлик, ҳам ота-оналик қилиш кўнглидан келармикин? Лекин бир нарсани эсингдан чиқарма, агар ўша қизга уйланиб, кейин уни ташлаб кетсанг ёки ақалли кўнглига озор берсанг, сендан ҳеч қачон рози эмасман".

Мен онамнинг сўзларини биттасини ҳам олиб ташламай ёки қўшмай ёзиб юбордимки, унга ишониш-ишонмаслик қалбингизга ҳавола...

Бу гапларни нима учун ёзаяпман? Шунинг учунки, менинг ҳаётимда аввало онам, кейин сиз. Агар насиб этиб турмуш қурсак, волидамнинг ҳурматларини мен учун биринчи ўринга қўйишингизга тўри келади... Хали улар сизга ҳам ёқиб қолади.

Фахриддин. 05.04.2007 й."

Мана бу эса Фахриддиннинг жазо муддатини тугатиш арафасида ёзган мактубидан парча:

"Яхши тарбия орқали ҳатто ҳайвонни ҳам тарбиялаш мумкин. Мен ҳам шу муассасида яхши тарбия топдим. Юрагимда одамларга ҳисобатан ажиб меҳр туйғуси пайдо бўлди. Мен бунинг учун муассаса ҳодимларидан бир умр миннатдорман."

"...Тўғриси, бу аjoyиб муҳаббатдан тилим эмас, дилим лол бўлиб қолди. Сезиб турибман, Сиз азиз ўқувчини "Кейин нима бўлдикин, кейин-чи?" деган саволлар қизиктириб, қийнаб турибди.

Яқинда Дилрабо Бобоқулова Фахриддиннинг барча мактубларини жамлаб, "Дилрабога дилномалар" номи билан рисола ҳолида нашр эттирди. Унинг сўзбошида Дилрабо йигитнинг хозирги кунда Наманган давлат аҳборот технологиялари университетининг магистранти эканлигини айтади ва: "Мен у кишининг ўтмишидаги билиб-билмай қилган хатоларини тўзатиб, бугунги кунда ўз ҳаётларини изга тушириб олаётганлигини жуда ҳам хурсандман", дея фикрини юқунлайди.

...Кутилмаганда мени телефонда йўқлаган овозни таниёлмадим. Шунчалар майин, ҳақиқатан ҳам, унда кўнглига малҳамдек ёқувчи титроқ бор эди.

— Мен Дилрабоман...

Сўхбатимиз ўз-ўзидан анчага чўзилди, ниҳоят, иккилангилардан, андишадан ички сўроқ кучли келди ва ўзимни ва...сизни, муҳтарам ўқувчи, ўйлантириб юрган саволни Дилрабога бердим.

— Мен ўз манфаатим учун у кишининг ҳаётини қурбон қила олмайман. Дунёда шундай азиз, қадрдон инсон борлигидан, тақдиримга мана шундай муҳаббат насиб этганидан шукроналар қўлиб яшайман!

Ҳа... оғир кўнглингиз ўзини оқлаш учун нё бир вазу қорсонлар ўйлаб топмайди?... Аммо ўзи суйган ва ўзи жасорат, саодат бахш этган тақдирлар мисолида илоҳий муҳаббат боқий яшайверди.

**Муҳтарам УЛУҒОВА,**  
**Ўзбекистон Республикасида**  
**хизмат кўрсатган маданият ходими.**

# БЕЛИНГИЗ ОФРИСА...

✓ УРТАНГАНИНГ УЗИНИГА

## ЙОГА МАШҚЛАРИ

Кўпчиликнинг бел огригидан азоб чекишни инобатга олиб, баъзи бир йога машқларини тавсия этамиз. Агар сиз уларни белгиланган бир вақтда, йога қондаларига риоя қилган ҳолда мунтазам бажариб борсангиз, огриқларни унутасиз.

Гавдани тик тутиб, чордона куриб ўтиринг. Бу – «Нилуфар гули» (Подмасана) позаси. Ёки тиззага чўкка тушиб, – «Олмос» (Ваджрасана) ҳолатида кўзларни юмган ҳолда ўтиринг. Секин ва чуқур нафас олинг. Дикқатни жамлаб, ён-атрофга, товушларга эътибор бермасликка ҳаракат қилинг.

Нилуфар гули, олов, шамни хаёлан тасаввур қилинг. Шундай ҳолатда 10 дақиқа ўтиринг. Бу – медитация деб аталади. Энди секин-аста медитациядан чиқиб, нафас олиш машқларини бажарамиз.

1. «Олмос» позасида ўтираемиз. Кўл қафларини бир бирига қаратган ҳолда



горизонтал равишда олдинга чўзамиз. Нафас олишда кўлларимизни икки томонга ва орқага ёямиз. Кўлларимизни орқага ёйган пайтда елка, куракларда озгина огриқ сезилиши керак. Нафас чиқаришда олдинги ҳолатга қайтамиз ва гавдани тўлиқ бўшастирамиз. Машқни 4 марта такрорлаш керак (1-расм).


2. Бармоқларни бирлаштирган ҳолда кўкрак устига қўямиз. Секин нафас олиб, кўлларимиз кафтини тескари ўгирган ҳолда олдинга таранг қилиб чўзамиз. Нафас чиқаришда олдинги ҳолатга қай-



тамиз ва мушакларимизни бўшастирамиз (4 марта такрорланг). Шу машқни кўлларимизни бошимиз узра юқори

кўтарган ҳолда ҳам (4 марта) бажарамиз (2-расм).

3. Энди белга мўлжалланган асосий машқларга ўтамиз. «Падахтасана» позасида оёқларимизни елка кенглигида тутиб, тўғри тураемиз. Чуқур нафас олиб,



кўлларимизни бош узра баланд кўтариб орқага эгиламиз. Нафас чиқаришда олдинга секинлик билан эгилиб, пешонамизни тиззага тегдиришга ҳаракат қиламиз. Кўлларимизни ерга, оёқларимиз ёнига қўямиз ва шу ҳолатда 20 сония тураемиз. Нафас олишда кўлларимизни юқорига кўтариб, бошимиз узра орқага эгиламиз ва секин-аста аввалги ҳолатга қайтамиз (3-расм). Кейин тана мушакларини тўла бўшастирамиз. Бу машқ ҳазм қилиш аъзоларига, жигар фаолиятига яхши таъсир кўрсатади.

4. «Ярим ғилдирак» (Ардхачакрасана) позасида тўғри тураемиз. Кўлларимиз белда, икки бош бармоғимиз белимиз орқали умуртқа устида бир бирига тўқнаш келиб турсин. Нафас олишда бош-



қанчага етса, шунча орқага эгиламиз. Дастлабки пайтда белимиз огрийди. Кўлларимиз билан белимизни олдинга итарамиз ва шундай ҳолатда 20 сония тураемиз. Бунда нафас олиш эркин бўлиши керак. Нафас чиқаришда олдинги ҳолатга қайтамиз ва тана мушакларимизни тўла бўшастирамиз (4-расм). Бу машқ бел мушакларини мустаҳкамлаб, эгилувчан қилади. Шунингдек, огриқларни, оёқдаги томир тортишишларини, астма касалликларини ҳам даволайди.

5. «Чўзилиш» (Пасчимотанасана) позасида кўлларимиз ёнимизда, оёқларимизни олдинга чўзган ҳолда ўтираемиз. Нафас олишда кўлларимизни тепага кўтарамиз. Нафас чиқаришда секин олдинга эгилиб, кўрсаткич бармоқларимиз билан оёқ бармоқларини ушлаймиз ва бутун гавдани чўзиб, эгилиб, пешонамизни тиззаларимизга теккизамиз ва шу ҳолатда 20 сония тураемиз. Нафас олишда аста-секин бошимизни, кейин кўлларимизни юқорига кўтарамиз. Нафас чиқаришда кўлларимизни паства тушириб, аввалги ҳолатга қайтамиз



тана мушакларини тўла бўшастирамиз (5-расм). Бу машқ бел огригини, ҳазм қилиш аъзоларини, қабзят ва диабетни даволашда ёрдам беради.

6. «Туя» (Уштрасана) позасида оёқларимизни олдинга чўзган ҳолда ўтираемиз. Секин-аста оёқларимизни тиззадан букиб, чўккалаб ўтираемиз. Гавдамизни тўғри тутган ҳолда тиззамизда тураемиз. Нафас олишда кўлларимиз билан товонларимизга таяниб, бошни орқага ташлаб, қорнимизни олдинга чиқариб, орқага имкон қадар эгиламиз. Бу машқда бел қаттиқ огрийди, шу ҳолатда 20 сония туриб, кўлла-




римизни товондан олиб, гавдани тиклаймиз ва тиззага ўтириб, аввалги ҳолатга қайтамиз (6-расм). Гавдани тўла бўшаштирганда бел, бутун гавда хузур қилади. Бу машқ бел огригини, артрит, метеоризм, нафас йўллари ва ошқозон касалликларини даволашга ёрдам беради.

7. «Илон» (Бхуджангасана) позасида – кўлларимиз ёнимизда, пешонамиз полда, оёқларимиз жуфт ҳолатида чўзилганча қоринга ётамиз. Нафас олишда кўлларимизни тирсақдан буккан ҳолда, унга таяниб, аввал бошимизни, кейин кўкрагимизни кўтара бошлаймиз ва бошимизни орқага ташлаб, гавдамизни киндигимизгача кўтариб, орқага эги-



ламиз. Шу ҳолатда 20 сония тураемиз ва нафас чиқаришда аввал кўкрак ва бошимизни, кейин эса пешонамизни полга қўямиз. Аввалги ҳолатга қайтиб, ётганча тана мушакларимизни тўлиқ бўшастирамиз (7-расм). Бу машқ бел ва бўйин огриқларини, умуртқа қийшайишини, бронхит, астма, овқат ҳазм қилишнинг бузилишини даволайди.

8. «Камон» (Джанурасана) позасида – кўлларимиз ёнимизда, энгагимизни полга тираган ҳолда қорнимизга ётамиз. Ётган ҳолатимизда оёқларимизни тиззадан орқа томонга букиб, оёғимизни кўлларимиз билан ушлаймиз. Нафас олишда бошимизни кўтариб, тепага қараймиз, кўлларимиз ва кўкрагимиз билан тортилиб, оёқларимизни бошимиз томон яқинлаштиришга ҳаракат қиламиз. Секин-аста белимиз орқага қараб камонсимон эгила бошлайди. Белимизда огриқ сезамиз ва шу ҳолатда 20 сония тураемиз. Нафас чиқаришда олдинги ҳолатга қайтамиз ва тана мушакларини тўла бўшастирамиз (8-расм). Бу машқ бел огриги, диабет, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш муаммоларини, ошқозон ичак касалликларини даволайди.



Гулпошша ЭРГАШХУЖАЕВА,  
тарих фанлари номзоди, доцент.

*Аёл борки, олам мунаввар, Аёл борки,  
онлалар шини, аҳил, фарзандлар соғлом,  
бакувват бўлиб ўсади. Уларсиз бир кунини  
тасаввур этиб бўлармикан?*

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ  
ЯККАБОҒ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ  
ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚҮМИТАСИ**



юртимизнинг муҳтарам ва азиз, муқаррам аёлларини бу қутлуғ айём муносабати билан муборакбод этади!

**ҲАР КУНИНГИЗ БАЙРАМ БЎЛСИН,  
АЗИЗЛАР!**

**Қарши шаҳридаги  
«ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН  
ХОТИН-ҚИЗЛАР  
ВА ЁШЛАР  
МАРКАЗИ»  
маъмурияти**



*улуғ шoirимиз таъриф берганларидек, «Ойдан-да гўзал, кундан-да гўзал» бўлаётган дилбар, моҳирўй аёлларимиз, онахону, опа-сингилларимизни муборак байрамлари билан самимий қутлайди!*

*Гўзаллик ва нафосат фасли— Баҳорнинг илк шодийенаси сизларга бағишлангани ҳам бежиз эмас. Тилагимиз, умрингиз фарахбатш ва шуқудли, ёруғ лаҳзаларга бой бўлсин!*

## МУАССИСЛАР ФАОЛИЯТИ

АССОЦИАЦИЯ ЙИГИЛИШИ  
БЎЛИБ ЎТДИ

Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси аъзоларининг навбатдаги умумий йиғилишида ассоциация раёсати ва ҳудудий тузилмаларини ташкил этиш, рамзий белгисини тасдиқлаш масалалари кўрилди.

Ассоциация раиси Инқилоб Юсупова ҳудудий тузилмалар вакиллари эътиборини янги имкониятлар ва улардан унумли фойдаланиш йўллариغا қаратиб, келгуси фаолиятларида асосан амалий ишларга аҳамият беришлари лозимлигини таъкидлади.

— Маълумки, яқинда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури қабул қилинди, — деди Инқилоб Юсупова. — Мазкур ҳужжатни ҳаётга татбиқ этиш ассоциациямиз фаолият доирасига ҳам бевосита боғлиқ. Шу боис йил давомида буни назарда тутиб, иш-йўналишимизни ташкил қилишимиз лозим.

Йиғилишда, шунингдек, Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциациясининг 2010 йилга мўлжалланган иш режаси муҳокама қилиниб, асос сифатида қабул қилинди.

Фаррух ЖАББОРОВ,  
«Оила ва жамият» мухбири

Халқ таълими соҳасига қарашли мактаблар ҳузуридаги бошланғич касаба уюшмалари фаолияти ҳақида сўз кетса, Тошкент шаҳридаги 278-мактабнинг фидойи ва жонқуяр устозларини, қолаверса, баркамол авлод вакиллари бўлмиш ўқувчи ёшларни қўллаб-қувватлашга баҳоли қудрат улуш қўшаётган Хосият Алимардонованинг ҳам номи хурмат билан тилга олинади. Негаки, бевосита у кишининг саъй-ҳаракатлари тўғрисида ҳар йили мазкур илм маскани жамоаси қишки ва ёзги таътиллари мазмуни ўтказишга қўнғичлидир.



СУРАТДА: кўмита аъзолари ўзаро мулоқотда.

Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.

Тошкент шаҳридаги  
«БИЛЛУР»  
ресторани жамоаси

азим поётахтимиз меҳмонларини, оилаларимиз фаришталари бўлмиш дуоғчи онахонларимизни, хонадонларимиз кўрқина айланган гўзал ва оқила она-синимларимизни яқинлашиб қолаётган 8 март — халқаро хотин-қизлар байрами билан самимий муборакбод этади!

Сизларга узоқ умр, бахту иқбол ҳаммаша ёр бўлсин, муҳтарам аёллар, айёмингиз муборак бўлсин!

БЕКОБОД ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЖАМОАСИ  
муҳтарам аёлларни, гўзал қизларимиз ва сингилларимизни муборак кун — 8 март халқаро хотин-қизлар байрами билан чин дилдан табриклайди.  
БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУФ БЎЛСИН, АЗИЗ АЁЛЛАР!

Бевосита Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислохотларнинг самарасини кўриб турибмиз. Айниқса, хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, уларнинг сийҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган мукамал дастурий саъй-ҳаракатлар жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари фаоллари зиммасига янада каттароқ масъулият юкламоқда.

Албатта, аёлнинг ҳам оилада, ҳам

жамиятда вазифаси ниҳоятда кенг. Уларни ҳеч бир рақам ёки қондаларга сиғдириб бўлмайди. Сир эмас, аёл — оилада оқила ва саранжом-сариштали бека, маҳалла-қўйда фаол жамоатчи, ўзининг иш жойида фидойи мутахассис, раҳбар ва яна ўнлаб таъриф тавсифаларга муносиб. Шу ўринда бизнинг Бекобод шаҳри мисолида сўз юритадиган бўлсак, ҳудудимизда аҳолининг тенг ярмидан кўпрогини хотин-қизлар ташкил этади. Демак, уларнинг шаҳримиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тугган ўрни ва нуфузи ҳам чакиммас.

Биргина мисол, шаҳримизда таш-

кил этилган «Раҳбар аёллар» клуби (раҳбари 16-сонли умумтаълим мактаби директори Ортиқжон Марупова)нинг фаолият доираси кенгайиб, у энди кўйи бўғинларни ҳам ўзига жалб этмоқда. Бу эса халқ таълими, тиббиёт муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг кенг жамоатчилиги билан ўзвий, ўзаро ҳамкорликда ишлашига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, маҳалла фуқаролар ва кўмиталари йиғинларида мазкур клуб фаоллари иштирокида ўтказилаётган мулоқот ва учрашувлар жуда қизиқарли ва жонли кечаяпти. Масалан, Президентимиз томонидан ўтган йилнинг 1 июлида имзоланган «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлоднинг вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарориди белгилаб берилган мақсад-вазифаларнинг тўб моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ва тарғиб этиш билан боғлиқ тадбирларда Бекобод шаҳар ҳокимлиги, вилоят адлия бошқармаси, шаҳар халқ таълими ва ФХДБ бўлими (мудир Малика Шарипова), тиббиёт бирлашмаамизнинг мутахассис шифокорлари ва бошқа тегишли идоралар вакиллари жуда фаол иштирок этишди.

Умуман, ўтган йилларни сарҳисоб қилганда ёки янги «Баркамол авлод




йили» Давлат дастурида кўзда тутилган долзарб вазифалар кўламини таҳлил этганда шукрона келтирасан киши. Нега? Чунки узоққа бормайлик, Бекобод шаҳрининг ўзида кейинги уч-тўрт йил орасида айнан хотин-қизларнинг спорт билан шугулланишлари ва маданий дам олишларини яхшилаш йўлида ҳамда уларга иш ўринлари яратиш борасида қанча хайрли ишлар амалга оширилди. Бугун энди маҳалларимизда, мактаб ёки лицей-коллежларимизда махсус спорт заллари ишга тушди. Ёки яна бир эътиборли жиҳати, ўтган йилда бекободлик қизлар спорт гимнастикаси ва эшак эшиш бўйича ўтказилган Осиё микёсида ўтказилган нуфузли мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллашди. «Соғлом авлод» ордени соҳибаси, фидойи шифокор Муяссар Асатова, тажрибали мураббий, ўқитувчи Клара Сайдуллаева, болалар шифокори Светлана Бегманова сингари юзлаб жонқуяр аёлларимиз номини қувонч билан айтишимиз мумкин.

Шоира АБДУРАҲМОНОВА,  
Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси.



ДУШАНБА 8



Хотин - кизлар кuni. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 16.45 2010 йил - Баркамол авлод йили.

ман». 17.00 «Ахборот». 17.20 «Нафосатга йўрилган матонат».

YOSHLAR

АЙЕМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ АЕЛЛАР. 6.55 Дастирунинг очилиши.

8.40 «Рўзгор мактаби». 9.10 «Қалпоқ». 11.30 «KINOMANIYA». 12.00 «Зита ва Гита».

21.40 «Шарқ гўзали». 21.45 «Табассум қил!»... 22.00 «Давр».

18.20 «Сени излаб». 1-қисм. 20.00 Тошкент оқшомлари... 22.05 Интерфутбол.

20.50 «Спортимиз маликалари». 21.10 Футбол шарҳи. 21.45 ХАБАРЛАР.

08:45 «Сен азиз ва муқаддассан аёл!»... 08:50 «Аёл борки олам мунаввар».

СЕШАНБА 9



6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 16.00 «Тезкор хабарлар».

16.25 «Наврўз соғинчи». 16.40 «Икки дарё оралигида».

YOSHLAR

7.00 «Салом, ёшлар!»... 22.40 «Даниэл Деронда».

10.00 «ДАВР». 10.10 «Баркамоллик йўли».


00.00 «Ҳаётбахш наволар». 00.10 «Балои нафс».

19.00 «Эгизаклар». Т/с 20.00 «Пойтахт».

22.20 ХАБАРЛАР. 22.30 «Эртага Футбол».

08.20 «Яши кайфият». 09.00 «Янги авлод».

ЧОРШАНБА 10



6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 16.35 «Наврўз соғинчи».

16.40 «Икки дарё оралигида». 17.00 «Ахборот».

YOSHLAR

7.00 «Салом, ёшлар!»... 22.40 «Даниэл Деронда».

10.10 «Автопатруль». 10.30 «Шарқ гавҳари».

7.30 «Салом, Тошкент!»... 22.05 «Футбол. «Фиорентина»».

21.00 Экология «Пойтахт». 21.10 «Дурдона».

07.00 08.30 Ўзбек наволари. 08.00 «Жассига ўхшаши йўқ».

09.00 Болалар соати: «Янги авлод».

ПАЙШАНБА 11



6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 11.50 «Ахборот».

12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 17.15 «Тарих кўзгиси».

YOSHLAR

7.00 «Салом, ёшлар!»... 22.05 «Мухаббат фасли».

17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».

7.00 «Салом, ёшлар!»... 22.05 «Мухаббат фасли».

12.00 «Туташ тақдирлар». 13.00 «ДАВР».

17.00 «Бўрон даракчилари». Б/ф.

7.30 «Салом, Тошкент!»... 13.00 «Салом, Тошкент!».



14.00 «Дунё» теледастури. 15.00 «Пойтахт».

20.20 Бизнес«Пойтахт». 20.25 «Ачиқ ёлғон» Т/с.

7.55 «Универсиада 2010». 8.15 ХАБАРЛАР.

20.50 «Спортда премьера: Футбол академияси».

14.30 Премьера (узб) 15.00 «Жасига ўхшаш йўк».

08:20 «Яши кайфият» 08:50 «Тонг сабоси».

15:30 «25-кадр» 16:00 «Хаёт кадри» т/с

ЖУМА 12

6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Олам ва одам» дастури:

15:55 Жаҳон мусикаси хазинасидан. И. Гайди.

10.00 «ДАВР». 10.10 «Чемпион».

00.00 «Хаётбахш наволар». 00.10 Миллий сериал: «Барлоғ».

20.00 «Пойтахт». 20.25 «Долзарб мавзу».

21.45 ХАБАРЛАР. 22.00 Саломатлик хазинаси.

08:50 «Тонг сабоси» 09:20 «Яши авлод»

ШАНБА 13

6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Иқлим».

15.00 «Лочинбоз Томаш». Б/ф.

10.00 «ДАВР». 10.10 «Yoshlar-FM».

7.30 «Салом, Тошкент!» 8.45 «Эсмеральда» Т/с

7.40 ХАБАРЛАР. 7.50 Болалар майдончаси:

07.00 07.40 Ўзбек наволари 07.30 Prime time (rus)

07:50 «Бизнес репорт» иқтисодий тахлилчи курсатув

ЯКШАНБА 14

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

15.20 «Ёқимтой пандаси». М/ф.

10.40 «Болалар табассуми». 10.50 «Тақилар оиласи».

9.30 «Пойтахт». 9.40 «Зебузар» Т/с

7.45 «Спорт - менинг ҳаётим». 8.10 «Кувнок стартлар».

21.30 ХАБАРЛАР. 22.00 Саломатлик хазинаси.

07:00 «Асплар садоси» маърифий дастури

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН

# «E S F I R»

ЎЗГАРТИРИЛГАН КЎЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:



- \* Тўй ва тадбирлар учун ажойиб соч турмаклари
- \* Бетакрор макияж
- \* Косметология
- \* Профессионал соч олдириш
- \* Стилист-визажист хизматлари
- \* Соч ва кеприкларни турли шаклларга келтириш (сочни майдалаб ўриш)



- \* Тирноққа оид барча хизматлар (маникюр, педикюр)
- \* Тангага бадий услубда нақшлар чизиш (турли кўринишда)
- \* Мижозларга айтилмасдан ўзлари истагандай хизмат кўрсатиш.

Манзил: Тошкент ш., Марказ-5, 59-уй, 29-офис  
Тел/факс.: (+99871) 235-55-44,  
моб: (+99897) 465-00-44

### MASTER CLASS ўқув маркази БИЗ ФАҚАТ ПРОФЕССИОНАЛ ҚИЛИБ ТАЙЁРЛАЙМИЗ

«OPTIMA» – Бошланғич курс: Windows XP, MS Office XP – Word, Excel, Power point, Internet ва E-mail. 1 ой (26 соат) – 24 000 сўм.

Чуқурлаштирилган интернет курси (2 ҳафта) – 20 000 сўм.

«TechSERVICE» – компьютер йиғиш, тузатиш ва модернизациялаштириш, тармоқ ўрнатиш. 1 ой (26 соат) – 30 000 сўм.

CorelDraw 12 – 1 ой (26 соат) – 26 000 сўм.

PhotoShop 8.0 – 1 ой (26 соат) – 26 000 сўм.

Macromedia FLASH – 1 ой (26 соат) – 26 000 сўм.

3D Studio MAX 7 – 1 ой (26 соат) – 32 000 сўм.

Видеомонтаж Adobe Primere – 1 ой – 40 000 сўм.

HTML дастурлаш – 1 ой 26 000; PHP дастурлаш – 50 000 сўм.

Курслар яқка тартибда, сизга қулай вақтларда ўқитилади.

Рус тили – 20 000. Немис тили – 30 000.

Инглиз тили – 30 000. Француз тили – 30 000.

Корейс тили – 30 000. Хитой тили – 36 000 сўм.

Профессионал Web дастурлаш курси (HTML, PHP, MySQL) – 2.5 ой 100 000 сўм.

2D Дизайнерлик (Corel, PhotoShop, Adobe FLASH) – 2 ой 70 000 сўм.

3D Дизайнерлик (AutoCAD + 3D Studio MAX) – 2.5 ой 150 000 сўм.

Тел.: 172-30-30, 255-69-17, 254-57-81

Братисвала (собиқ Глинка) кўчаси, 11, 4-қavat

Мўлжал: «Бобур» истироҳат боғи ёки педагогика университети.

## ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

# «ZENN-SHANS»

## ИЛМИЙ ЎҚУВ МАРКАЗИ

Абитуриентларни олий ўқув юрталарига ўқишга кириш учун кўиндаги фанлар бўйича тайёрлайди: кимё, биология, она тили ва адабиёти, математика, физика, инглиз тили, тарих, рус тили. Машгулотларни фан докторлари, фан номзодлари ва дарсликлар муаллифлари олиб борадилар.

Марказ дарсларининг юқори даражали сифатига кафолат беради.

Назарий ва амалий машгулотлар махсус чуқурлаштирилган дастурлар асосида ҳамда «Ахборотнома»лар, имтиҳон вариантлари бўйича ўтказилади. Ҳар бир фан ҳафтагина 3 марта 2 соатдан дарс жадвалига киритилади. Марказдан барча зарур дарслик ва ахборотномаларни сотиб олиш мумкин.

**Машгулотлар сентябр ойидан бошлаб 1 августгача 11 ой давом этади. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.**

Бизнинг абитуриентларимиз: 2006 йилда – 85%, 2007 йилда – 92%, 2008 йилда – 99% ўқишга қабул қилинди.

**Натижалар билан марказда танишиш мумкин. Шунингдек, ушбу илмий ўқув марказида рус ва инглиз тилини ўрганиш курслари ҳам бор.**

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Юнусов тумани, 2-мавзё, 14-а уй (9 қаватли бинонинг 1-қавати).  
Мўлжал: «Юнусов», «Универсам» бекети, «Юнусов» бозори қаршида.  
ТЕЛЕФОНЛАР: 8(371) 221-86-09, 221-35-56. ФИЛИАЛ: Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, «Мустақиллик» кўчаси, 39-уй.

### Москвадаги Халқаро

Абу Али ибн Сино академиясининг магистри

## табиб ХУРСАНД АЛИ

табобат хизматини таклиф этади:

- Ошқозон-ичак, ўт пуфаги, қора талоқ касалликлари;
- Бепуштлиқ, жинсий аъзолар шамоллаши; буйрак ва тухумдон кисталари, простата беши шамоллаши;
- Буйракдаги тошларни тушириш;
- Гижжа, лямблялар ариб, теридagi доғлар ва ажинлар кетали;
- Умurtқа чурраси, бел ва оёқ оғриги, бод, артрит, полиартрит, буйин ва елкада, тиззада туз йиғилиши сингари хасталиклар;
- Юрак, қон-томир хасталиклари, қон босими, инсультдан кейинги тикланиш даври ва асаб касалликлари;
- Бўқоқ касаллигининг ҳар қандай тури шарқ табobati усулида гиёҳлар билан даволанади.



Манзил: Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Қумовул (Бектемир) кўрғони.

Телефон: (+99897) 156-57-31 Лицензия № 95

Табиблар реестрида 2092-рақам билан қайд қилинган.

### КўПТАРМОҚЛИ ГОСПИТАЛ

## «DOCTOR-D» да ЯНГИЛИК!

057

Фақатгина бизда ва биринчилардан бўлиб! Тошкент аҳли ва шаҳримиз меҳмонларига арзонлаштирилган хизматлар такдим этамиз.

Госпиталимиз жаҳон талабларига жавоб берадиган, машхур Европа фирмалари номи остидаги тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Сизлар учун кўиндаги хизматларни таклиф қиламиз:

— Магнит-резонансли томограф (очёқ турдаги вазни 200 кг.гача бўлган беморларни кўриш имконига эга. 2009 йили Японияда ишлаб чиқарилган);

— Маммограф (2009 йили Японияда ишлаб чиқарилган);

— Рақамли (цифровой) рентген (уйга ёки керакли жойга олиб борилиши мумкин);

— Поликлиника, амбулатория;

— Стационар (бир кишилик VIP, LUX —палаталар, Wi-Fi, ТВ, душ, кондиционер, музлатгич);

— Тез тиббий ёрдам (Замонавий ускуналар билан жиҳозланган янги «HYUNDAI» реанимобибли республика бўйлаб хизмат кўрсатади.);

— Репродукция бўлими (исроиллик профессор Давид Левран маслаҳатлари асосида) (ЭКУ, ICSI, PGD, IUI-бачадон ичи инсеминацияси);

— Исроил технологияси асосида барча турдаги бепуштлиқ диагностикаси ва даволаш;

— Бепуштлиқни даволагандан кейин ҳосил бўлган ҳомилдорликни олиб бориш;

— Ҳомила кўтара олмаслик ва даволаш диагностикаси;

— Бепуштлиқда лапароскопия ва гистероскопия;

— Эмбриология лабораторияси (профессор Нахум Хана. Исроил);

— Контрацептив воситаларни танлаш;

— Климатерик ҳолатлар диагностикаси ва даволаш;

— MAR-тест;

— Сперматозоидларнинг ДНК фрагментациясини аниқлаш, AZF (азооспермал фактор);

— ССХТ (ВОЗ) бўйича спермограмма Крюгер морфологияси билан (фақат бизнинг клиникамизда).

Хизматлар лицензияланган. 264Т

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Уста Олим кўчаси, 15

уй. Тел/факс: (+99871) 113-00-57. Теэкор телефон тармоғи: 057

E-mail: info@doctord.uz, Web: www.doctord.uz

### ТАБРИКЛАЙМИЗ! ТАБРИКЛАЙМИЗ! ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Оиламиз устуни ва суянчи бўлган дадажонимиз Бахтиёр ака!

Сизни қўтлуг 50 ёшингиз билан муборакбод этамиз. Сизга соғлиқ, омонлик, халқимиз саломатлигини сақлаш йўлида олиб бораётган ишларингизда омад тилаймиз.

Рафиканғиз Саодат ва фарзандларингиз, Жиззах шаҳри, Сайхон маҳалласи.

### Қадрли курсдошимиз МОҲИНУР!

5 март — туғилган кунинг муборак бўлсин!

Умринг йўлларини кўёш нурлари чаргон этсин, бахт ва иқбол ҳамиша ҳамрохинг бўлмоғини Оллоҳдан тилаб қолаемиз.

Самимий ниятлар ила

Дугоналаринг Фарангиз, Нозима, Дилноза ва бошқалар.



### Азиз набирам Мухлисабону Шоир қизи!

Сени 4 март таваллуд айёминг билан муборакбод этаман. Бувижонинг, ойижонинг, аммажонларинг каби ҳамиша азизу муқаррам бўлиб юргин.

Буважонинг Сотволди Мирзо.



### Қадрли дўстим Тўхтамурод!

Таваллуд топган кунингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Ижодингизга барака, оилангизга тинчлик, тотулик тилаймиз.

Ўрнат билан Ш. Султоновлар оиласи.

Ўрнат билан Ш. Султоновлар оиласи.

Ўрнат билан Ш. Султоновлар оиласи.

Ўрнат билан Ш. Султоновлар оиласи.

Ўрнат билан Ш. Султоновлар оиласи.

Ўрнат билан Ш. Султоновлар оиласи.

Ўрнат билан Ш. Султоновлар оиласи.

Ўрнат билан Ш. Султоновлар оиласи.

Ўрнат билан Ш. Султоновлар оиласи.

Ўрнат билан Ш. Султоновлар оиласи.

## ГУЛДАСТАНИ УЗОҚ САҚЛАШ МУМКИНМИ?

Аёл киши учун гулдан яхши совға бўлмас керак. Туғилган кун ёки байрамларда яқинларингиз тақдим этган гулдастандан қанчалар қувонманг, аммо уларнинг тезда сўлиб қолишидан шунча кўнглингиз хира бўлади. Бу гуллар нисбатан кўпроқ вақт хонангизни безаб, кўзингизни қувонтириб туришини истасизми? Бунинг йўли жуда осон.

Масалан, чиннигулнинг умрини узайтириш учун поясини озгина қирқиб, олдин спиртга ботириб оласиз ва бир дона оққанд билан аспирин таблеткаси солинган сувга солиб қўясиз. Наргис эса бир чимдим туз солинган саёзроқ сувли идишда ўзини яхши «хис қилади». Орхидеянинг чиройидан узоқроқ бахраманд бўлишни истасангиз, унинг поясини бир ош қошиқ спирт ва бир ош қошиқ шакар солинган сувда сақланг.



Шахноза РОФИЕВА тайёрлади.

## БИЛАСИЗМИ?

Соғлом ва жилвакор сочлар ҳамisha аёл саломатлиги ва гўзаллиги тимсоли бўлиб келган.

Соч парваришида энг муҳими – уни тоза сақлаш. Ювиш воситаларини танлашда эса соч тури ва ҳолатини эътиборга олиш лозим. Шунингдек, доривор ўтлар дамламасидан фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Масалан, мойчечак, газанда ўт, ялпиз, далачойдан фойдаланиш ёки лимон, сирка (1 л сувга 1 чой қошиқ) қўшилган сувда чайиш ҳам сочларингизни жилвакор қилади.

Соч ҳам юз териси каби қуруқ, ўрта ва ёғли турларга бўлинади. Унинг қуруқлашишига бирор касаллик, масалан, витаминлар етишмаслиги ёхуд кимёвий воситалардан кўп фойдаланиш ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Қуруқ сочлар мўрт, жумшак, заиф бўлади. Агар соч учлари «гуллаб» кетган бўлса, вақти-вақти билан кесиб, бирон ўсимлик ёғи ёки таркибиде А витамини бўлган крем суртиш керак. Сочларнинг ёғли бўлиши эса ёғ безлари функциясининг меъёрдан ортқ ишлаши билан боғлиқ. Бунда кўпинча соч

тўкилиши, қазоқ пайдо бўлиши кузатилади.

Соч ювишда шампунь ўрнида табиий воситалардан ҳам фойдаланиш лозим. Қадимдан ишлатиб келинган қатиқ ҳақиқатан ҳам, сочга жуда фойдалидир. У соч толаларида ўзига хос қобиқ ҳосил қилиб, турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилади, озиклантиради. Тухум аминокислоталарга бой бўлиб, соч ювиш учун ажойиб воситадир.

**Амалий маслаҳат:** 25 г болалар совуни қирғичдан ўтказилиб, унга ярим стакан илиқ сув қўшилади ва кўпиртирилади. Сўнг 50 г спирт ва тухум сариги ҳам аралаштирилади. Бу муолажа сочни тозалашга қолмай, жуда фойдали хамдир. Қуруқ сочни ювишдан аввал канакунжут ёки зайтун мойидан суртиш лозим.

Тухум кўпиртирилиб, унга 1 чой қошиқ спирт ва бир неча томчи лимон ширкати қўшилади. Аралашма бош терисига ва соч толаларига суртилади. Бу малҳам ёғли сочлар учун тавсия қилинади.

Барно МИРЗААХМЕДОВА тайёрлади.



**БҮРИ** сўзи қадимги тилимизда «қулранг», «қўқимтир» маъноларини аниқлаган. Итсимонлар оиласига мансуб бу йиртқич хайвонга ном рангига кўра берилган.

«Бу чўлда бирам бўри кўп эканки, кечаси билан кўрқиб чиқдим».

(Саид Аҳмад. «Уфқ» романи)

**ҚАЙНОНА.** Бу сўз хотиннинг туғилганлари ёки эрнинг туғилганлари маъносини ифодалаган «қайин» сўзига «она» сўзининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Ўзбек тилининг этимологик луғатида «қайнона» сўзининг яна бир келиб чиқиш варианты айтиб ўтилган. Унга кўра, «қайин» сўзи «хотин» маъносини аниқлаган «қазин» сўзидан келиб чиқиб, «хотиннинг онаси» деган маънони аниқлаган.

**ЭЛЛИК.** Қирқ билан олтимиш орасидаги ўнлик дона сон маъносини аниқлаган бу сўз, аслида, қадимги тилимизда «қўл» маъносини аниқлаган «эл» сўзига қичрайтирувчи «иг» қўшилишидан ҳосил бўлган. Эллик сўзи «бир қўлдаги беш бармоқ»ни билдирган, «бешинчи ўнлик сон» маъноси ана шу маънодан келиб чиққан. Ушбу сўзнинг тарихи ўзбек тилининг этимологик луғатида шундай изоҳланади.

**ЧҮМИЧ.** Бир қарашда бу сўзнинг «чўмил» сўзига алоқаси йўқдай туюлади. Бироқ бу икки сўзнинг ҳам ўзаги битта «чўм» феълдир. «Чўм» сўзи «суяқликка ботир» маъносини аниқлаган. «Ўйга чўмиш» деган ибора ҳам шундан келиб чиққан. Суяқ овқатни шопириш, сузиш учун ишлатиладиган узун дастали рўзгор буюмининг номи бўлган «чўмиш» сўзи шу тарихга пайдо бўлган.

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

## ЎЗБЕК-БРИТАНИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ «LASER-ОРТИКА» КЛИНИКАСИ

Хизматлар лицензияланган.



Қўриш қобилияти паст бўлган одамларга, одатда, кўзойнак ёки линза тавсия қилинади. Лекин инсон доимо дунёни ёрдамчи воситалар орқали эмас, ўз кўзлари билан кўришни орау қилган. Ниҳоят, бунинг имкони топилди.

2008 йили ташкил этилган Буюк Британия ва Ўзбекистон қўшма корхонасининг «Laser-Ортика» клиникаси қўриш қобилиятини тиклаш борасида юртдошларимизга сифатли ва тўла миқёсда хизмат кўрсатишни бошлади.

Клиникада ташхис қўйиш ва даволаш учун яратилган шароит эътиборга лойиқ. Беморлар қабули тамоман компьютер-

лаштирилган ва ўта аниқ бўлган тартиб-қоидалар бўйича олиб борилади. Бунда кўзнинг олд ва орқа сигментларининг тўлиқ тасвирий ҳамда микродорий таҳлиллари олинади. Маълумотлар аниқлиги ва тўлақонлилиги даво усулларини тўғри йўналишда олиб борилишини таъминлайди. Марказдаги барча асбоб-ускуналар Япониянинг замон талабига жавоб берадиган NIDEK фирмасида ишлаб чиқарилган.

Бир йил давомида амалга оширилган барча амалиётларнинг муваффақиятли ўтказилган, бу қўлланилаётган NIDEK EC-5000 CX-III Navex quest эксимерлазер ускунасининг афзаллигидан далолатдир. Ҳозирда кўзойнак ёки контакт линзадан халос бўлиш ниятида клиникага мурожаат қилганлар ўз мақсадларига бор-йўғи 15 дақиқада эришмоқдалар.

Шунингдек, клиникада катаракт (кўзга парда тушиши), ультратоғуш йўли билан даволаш йўлга қўйилган. Муолажа ўз касбининг устаси бўлган жарроҳ-



лар томонидан жуда қисқа, яъни 20 дақиқада бажарилади ва бемор шу куннинг ўзидаёқ қадрдон оиласи даврасига қайти.

Бугунги кунда нафақат бизнинг, балки бутун дунё офтальмологиясининг долзарб муаммоси бўлмиш кўз шох пардасининг конуссимон ўзгаришидаги оғир хасталикни Австрия технологияси CISIS амалиёти бўйича даволашнинг йўлга қўйилишига оз вақт қолди. Мазкур клиникада бу амалиёт яқин кунларда амалга оширила бошлайди.

Манзил: Тошкент шаҳри,

Учтепа тумани, Кичик халқа йўли, 140-уй.

Мўлжал: Олимпия захиралари коллежи.

Телефон: (+99897) 745-55-50,

(+99897) 492-22-20

www.laseroptika.uz

## МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

4.03 – 10.03

**Кўй (21.03 – 20.04)**

Қандай ишга қўл урманг, омад сиз томонда бўлади, дўстларингиз ва яқин инсонларингизнинг ижобий кайфиятлари сизга қувват беради. Хафта охирида қўлингизга пул тушиш эҳтимоли бор. Оила аъзоларингизга совға харид қилинг.

**Бузоқ (21.04 – 21.05)**

Бу хафта қўтилмаган воқеалар ва турли ўзгаришларга бой бўлади. Шахсий ҳаётингизда ва иш фаолиятингизда яхши томонга ўзгаришлар содир бўлади ва бу кайфиятнингизни кўтареди. Хафта охирида соғлигингиз бир оз ёмонлашиши мумкин.

**Эгизаклар (22.05 – 21.06)**

Турли жойларга саёҳат қилиш, тадбир ва зиёфатларда фаол қатнашишдан толиқасиз.



Чет давлатлардан ишга тақлиф тулиши мумкин, мустақил қарор қабул қилинг. Шахсий ҳаётингиздаги муаммолар ечим топади.

**Қисқичбақа (22.06 – 22.07)**

Бу хафтада юриштуришингиз, ташқи кўринишингиз ва фикрлашингизни ўзгариштириш иштиёқи туғилади. Лекин бу ишингизга ва шахсий ҳаётингизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Севган инсонингиз билан тушунмовчиликлар юзага келиши мумкин. Мурасали бўлишга ҳаракат қилинг.

**Арслон (23.07 – 23.08)**

Бу хафтада сермахсул иход қиласиз. Ишларингизда янги ютуқларга ва юқори лавозимларга эришиш имкони пайдо бўлади. Лекин ишга қўмилиб,

оила аъзоларингизга кам вақт ажратаётганингиздан уларнинг кайфияти тушиши мумкин.

**Паризод (22.08 – 22.09)**

Иш ва соғлиққа оид катта муаммоларни ҳал этишда оғир бўлишга ҳаракат қилинг, сиқилишлар соғлигингизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмидан моддий маблағингизни кўпайишига асос бўлувчи тақлифлар тушади.

**Тарози (23.09 – 22.10)**

Оилавий муаммолардан қутулишга ҳаракат қилинг, акс ҳолда бу сизга моддий ва маънавий зарар етказиши мумкин. Ўзингизни иш билан чалғитинг ва янги лойиҳалар тузиб раҳбариятга тақдим этинг. Бу иш фаолиятингизда яхши ўзгаришларга сабаб бўлади.

**Чаён (23.10 – 22.11)**

Иш фаолиятингизда янги мансабларга эришиш имкони пайдо бўлади. Келажак учун ҳаракат қилинг, бунда сизга оилангиз ҳам яқиндан ёрдам беради. Ҳафтанинг иккинчи ярмидан катта харидларни амалга оширишингиз мумкин, бунинг учун сизда маблағ етарли бўлади.

**Ўқотар (23.11 – 21.12)**

Ҳафта ҳиссиётларга бой лаҳзаларни ваъда қилади, саёҳатларнинг сони бироз ортади. Бу саёҳатлар шарофати билан келгусидаги ишингизга фойдаси тегишчи одамлар билан танишасиз. Дам олиш кунлари оила аъзоларингиз билан сайрга чиқинг.

**Тоғ эчкиси (22.12 – 20.01)**

Бу хафта сиз учун ўзгаришларга бой бўлади. Янги ишларни режалаштириш ва касбингизни ўзгариштириш вақти кел-

ди. Лекин асосий касбни танлашдан олдин яхшилаб ўйлаб кўринг, юлдузлар ўзингиз кизиққан касбни танлашингизни маслаҳат беради.

**Қовға (21.01 – 19.02)**

Сизнинг кайфиятингиз бу хафтада яхши бўлиши кутилмоқда. Ўзингизни тутишингиз, ўзгача феъл-атворингиз турмуш ўртоғингизда сизга нисбатан кизиқиш уйғотиши мумкин. Бу хафта ишларингиз самарасини кўрасиз, жамғармангиз кўпайиши мумкин.

**Балиқ (20.02 – 20.03)**

Лавозимингиз кўтарилиши ёки катта лойиҳани сизга ишончи топириши мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмидан оила аъзоларингиз сизга қўтилмаган совға тақдим этишлари мумкин.

Гулноз ТОҶИБОЕВА тайёрлади

# Тошкент вилоят “МАТЛУБОТ ИНВЕСТ”


ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ



*яқинлашиб келаётган  
нафосат ва гўзаллик байрами  
8 март халқаро хотин-  
қизлар куни муносабати  
билан юртимизнинг барча  
аёлларини, она-  
сингилларимизни чин юракдан  
табриклайди!*

Сизларни ҳар қанча  
улуғласак,  
бисотимиздаги энг  
самимий тилак-  
ниятларимизни изҳор  
этсак, шунча кам.

**БАХТИМИЗГА  
ҲАР ДОИМ  
ОМОН БЎЛИНГ!**



**Талабалик вақтим эди. Таътилда кишлоққа келгандим. Тоғам лотереядан «Жигули» ютган экан. «Муборак бўлсин»га бордим. Дарвозахонада ранги сутдек оппоқ машина турар, тоғам эса кўлида дока, унинг ойналарини артаяпти.**

— «Жигули» зўр машина экан, жиян, — дея рулга ўтириб калитни буради. — Ана, яримтага ёнади. Моторини қара, соатдай ишлайди. Боссанг, саксон-юз писанд эмас. Овози чиқмайди-я. Енгил юришини айтмайсанми.

Тоғам суюнганидан ўзи билганича «Жигули»ни таърифларди.

Бир пайт йўлдан ўтаётган Райим носфуруш кириб келди. У бир замонлар «Бойкўнғир» космодромида мажбурий ҳарбий хизматда бўлган, армиядан қайтган, ҳуда-беҳуда, маврид-бемаврид нукул ракеталар кўриклянишию уларнинг учиб-кўниши билан боғлиқ воқеалардан гапираверган, «носфуруш»га кўшиб «космос» лақабини ҳам орттириб олганди. Бироз мижғовлиги, ўзини ўта соддаликка олиб, бошқаларни лақиллатиб ўтиришни хуш кўрадиган одати ҳам бор эди.

— Қани, Райимжон, келинг, — деди тоғам мулозамат кўрсатиб.

Аввал тоғам, кейин мен кўл бериб саломлашдик.

— Облоқулда талкон бор экан, Сотармикан, деб келаётувдим, — у тоғамнинг бир ховли наридаги кўшнларини от тутиб гапирётганди. — Қарасам, машина унчаяписиз. Бузилибдими, дебман.

— Нимаси бузилади? — эътироз билдирди тоғам докани ўтиргичнинг четига қўяётиб. — Ҳали яп-янги бўлса.

— Лотереяга чиққан машинанинг кўп жойларини алмаштиришадди, дейдилар, — носфуруш ҳам бўш келмасди.

— Баъзи бир физку фасодчилар айтса айтгандир-да, — шарт кесди унинг гапини тоғам хиёл жаҳл билан. — Қолаверса, Райимбек, 30 тўйинга битта винтини ҳам ололмайсиз. Шунинг бергани учун ҳам Яратганга минг қатла шукр! Нима, ракетамидики, космосга учсак. Бузилса арда, тахлаб миनावерамиз.

Носфуруш хиёл қизарди: Орага оғир сукунат чўкди.

— Ҳамдамовни эшитдингизми? Сақкиз йилга кесилибди, — дея носфуруш суҳбат ўзанини бошқа томонга бурди. У кўшни кишлоқлик яқинда қинғирлик устида кўлга тушган савдо базасининг оғир бор мудирини назарда тутаетганди.

— Ҳа, бечорага жабр бўлибди, — ачинди тоғам.

— Узиям, кўзини бутун ёғ босиб, тўққан онасиниям танимай қолувди.

— Халқ ҳаққини ёганинг оқибати шу, — деди тоғам афсусланган кўйи. — Ҳаром ҳеч қачон буюрмайди, — кейин менга юзланди: — Қара, жиян. Данғиллама ховли-жойлар, бехисоб мол-дунё қолди. Ўзи энди қамқоҳонада ётибди. Одамлар ҳам қизик, бола-чақасининг бошида, борига шукр қилиб, соғлиги, тинчлигининг кадрига етиб яшаб юрмайдими?

— Шокир теричининг ўйи кўйибди-да, — Райим носфуруш гўё ҳозир ичини талалаётган яна бир янгиликни ҳам айтмаси ёрилиб кетадигандек эди.

— Нима? — ҳайрон қолди тоғам томдан тараша тушгандек айтилган бу гапдан. — Ишқилиб, ўзи, бола-чақасига зиён етмабдими?

— Уйини ўғри урибди, — носфурушнинг чехрасига табассум югурди. — Борбудини шипириб кетибди. Узиям, ўғрилари кимнинг уйига тушишни жуда биладими, дейман-да.

— Шунанга ғийбат гапларни қўйинг, Райимбек, — чўрт кесди тоғам. Гапининг охангида оғриниш, токати тоқлиги сезилиб турарди. — Уйга кирсангиз ана, чой. Жиян келибди, суҳбатлашиб ўтираемиз.

— Йўқ, мен борай, — носфуруш кетиш учун таратдуланди. — Ишқилиб, ўғри топилармикан, дейман-да.

— Топилмай қаерга боради? Бир кун барибир қўлга тушади. Бир умр ўғрилик қилиб барака топган одамнинг ўзи йўқ, — деди тоғам. — Қинғир ишининг қийми қирк йилдан кейин ҳам чиқади.

— Облоқул уйда бўлса керак?

— Билмадим.

Райим носфуруш кетгач, тоғам билан Абдулла Ориповнинг «Шарқ юлдузи»да босилган туркум шеърлари, бошқа ёш

ижодкорларнинг янги асарлари, менинг ўқишим ва пойтахтдаги адабий муҳит, ўз танийдиган курсдош дўстларим ҳақида анчагача гаплашиб ўтирдик.

Тоғам беш-олти йил ўтгач, «Жигули»ни заруратдан сотиб юборди. Пулининг бир қисмини турли жиҳозларга сарфлаб, рўзғорини бутлади, қолганига,

**Жаҳонгир ИСМОИЛОВ**

# МАШИНА МИНГАНДАН КЎРА...



машина миниб юрган одам эмасми, пиёда қолмаслик учун «Запорожец» русумли автомашина сотиб олди. Бу пайтада мен ўқишни битириб, Бухоро шаҳрида, вилоят газетаси таҳририятда ишлардим. Бир куни уйга бораётиб йўл-йўлакай тоғамникига кирдим. «Қандай бўлиб келибсан, жиян, ўтир, бир кўнгил чигилини ёзайлик, кейин ўзим элтиб қўяман», деб туриб олди. Дастурхон ёзилди. Шахмат ўйнадик. Хангома қизиб, алламаҳалгача қолиб кетдим. Тоғам машинасида уйга келтириб қўйди.

— «Запорожец» зўр машина-да, жиян, — деди у йўл-йўлакай рулга кафтларини уриб. — «Жигули» элтидиган жойга шуям обороди. Енгилгина. Бунинг устига бензинини ҳам кам ейди. «Запчаст-и», баллонлари арзон. Битта рўзғорга бемалол етди.

Тоғам шу тахлит энди бу машинасини мақтаб борарди...

Орадан йиллар ўтди. Бир куни яна тоғамникига бордим. Доим дарвозахонада турадиган «Запорожец» кўринмасди. Хаёлимдан «Тоғам йўқ, шекилли, бирор жойга кетган бўлса керак-да», деган фикр кечди. Шу пайт қаршимдан кучоқ очиб тоғам чиқиб келди. Куюқ, меҳр билан саломлашиб-сўрашдик.

— Бу, мошин кўринмайди? — қизиксиниб сўрадим.

— Қарийб беш йил хизмат қилди, жиян, — деди тоғам юзиде табассум балқиб. — Моторини янгилладим. Беш-олти марта баллон алмаштириб миндим. Ками қолмади. Энди ўйилга бердим. Ишонгани узокроқ. Бориб-келиб юради.

— Узингиз пиёда қолибсиз-да, — дедим ҳазил аралаш. — Доим улвода юрган одам пиёда қолса оғир ботса керагов.

— Нега ундай дейсан, ана, мотоцикл

олдик, — деди айвон томонга ишора қилиб. Шундагина устунга суюб қўйилган «Восход» русумли мотоциклга кўзим тушди. — Мотоцикл зўр экан, жиян, — деди тоғам қувончини юрагига сиғдирилмай. — Тўрт томони очик. Ёзда шабада қидириб ўтирмайсан. Одам юрадиган йўлакчадан ҳам бемалол ўтади.



## ХАЁТИЙ ҲИКОЯ

Бир куни шаҳардан қайтаётсам, кишлоқ йўлида тоғам учраб қолди. У киши велосипедда эди. Рулга катта сумка илинган. Машинамни тўхтатиб, саломлашдим.

— Қани, жиян, уйга қар, — деб туриб олди. — Бозордан келаялман. Ана, тоза гўшт олганман. Янганга кабоча пиширтириб, бир мириқиб ўтирайлик.

— Аввал уйга қарай, кейин ўтсам-ўтарман, — монелик билдириш баробарида табиий қизиқиш билан: — Мотоцикл қани? — деб сўрадим.

— Мотоцикл бузук, жиян. Тилига унча тушунмаман, — деди ва велосипеднинг ўриндиғига кафтларини уриб қўйди. — Аслида, ҳаммасидан велосипед яхши экан. Оёқлар ҳаракат қилади. Тетик юрасан.

Тоғам велосипеднинг чидамлилиги, бузилган тақдирда осон ва тез тузатиш мумкинлиги, қисмларининг арзонлиги ва йўлда юриш учун ниҳоятда қулайлиги тўғрисида яйраб гапирарди...

8 март эди. Онамни табриклаш учун кишлоққа бордим. Кечга яқин тоғам кириб келди.

— Опамни табриклай дедим, — тоғам юз-кўзларида меҳр балқиб, кўлларидеги газетга ўроғлик нарсани онамга узатди. — Мана, опа, бу сизга!


Тоғам уловини кўчага қўйиб келгандир, деган фикрда гап орасида сўрадим:

— Велик ташқарида бўлса киритиб қўяй. Яна, битта-яримтаси миниб кетмасин.

— Велик тўғри келмади, жиян, — деди тоғам кулгу аралаш. — Ҳозир пиёдамиз. Қайтанга, яёв юрсанг яхши экан. Физкультура, соғлиққа яхши. Қўл-оёқларининг томири ёзилади. Истаган жойдан юриб кетаверасан. Бензинини ўйламайсан. ДАН ходимлари ҳам «Нега қондан буздинг, технаспортинг, праванг қани, техник кўриқдан ўтганмисан, жарима тўлайсан!» демайди...

Тоғам, менимча, ҳозир улов миниб юргандан ҳам кўпроқ хурсанд эди. Гап охангида заррача сохталик, оғриниш ифодаси йўқ. Назаримда, тоғамнинг мулоҳаза тарзи, ҳаётдан ҳамиша миннатдорлиги замирида кўпчилик бир умр англаб етолмайдиган ёки тушунишга оғирлик қиладиган теран фалсафа мўжассам эди.

У киши билан давргага ўзгача файз, шукроналик кириб келганди...



**Жаҳонгир Исмоилов** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, «Олтин қалам» Миллий мукофоти соҳиби.




# “ЎЗДОНМАҲСУЛОТ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

*Гўзаллик, меҳр-  
муҳаббат тимсолига  
айланган барча аёлларни  
халқаро хотин-қизлар  
куни билан самимий  
муборакбод этади!*



Ҳаётимиз мазмуни, ҳам  
жамиятимиз, ҳам  
оилаларимиз кўрки ва  
таровати, эртамик  
эгалари бўлган баркамол  
авлод суянчига айланган  
муҳтарама оналар, дилбар  
опа-сингилларимизга  
муштақам соғлиқ, боқий  
муҳаббат, кўнгил  
хотиржамлигини  
тилаймик.



**Айёмингиз  
кутлуғ бўлсин!**



*Уйғониш ва яшариш фасли бўлмиш баҳорнинг бир куни сиз муҳтарам хотин-қизларга бағишланганида ҳам балки ажиб бир ҳикмат бордир. Чунки, бу фасл гўзаллик ва нафосат, яратувчанлик тимсоли эканлигини назарда тутадиган бўлсак, баҳор ва аёл тушунчалари бир-бирига ҳамоҳанг, уйғун. Шу муносабат билан мамлакатимиз аёлларини, онахон ва она-сингилларимизни*

## “ЎЗАВТОЙЎЛ”

давлат акциядорлик компанияси ва  
**ТОШКЕНТ КЎПРИК ХЎЖАЛИГИНИ**  
**САҚЛАШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН**  
**ТАЪМИРЛАШ, ФОЙДАЛАНИШ**  
 давлат корхонаси жамоаси

*қушлуғ айём — хотин-қизлар байрами куни билан таъбриклайдим!*

*Дунёдаги барга яхшилик ва эзгуликлар сизларга ҳамроҳ бўлсин!*

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КИТОБ ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ТУМАН ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

*Мамлакатимизнинг муноси ва дилбар хотин-қизларини ушбу шодмонлик байрами куни билан самимий мувоабқоб этади!*

*Гўзал, оқила, меҳрибон, қалби дарё...хуллас, юзлаб, минилаб мақтов ва эҳтиромларга лойиқсиз. Сизларга бағрикенглик, меҳр-оқибат, бахт-иқбол ҳаммиша ёр бўлсин, азишлар!*



### «УМИДАХОН - МУАЗЗАМ» ТИББИЁТ МАРКАЗИ

- Лор, гинеколог, болалар гинекологи, уролог, кардиолог, эндокринолог, гастроэнтеролог тавсия этади.
- Массаж, игна ва лазеротерапия, УЗИ, ЭКГ.
- Беморлар уй шароитида ҳам мутахассис ёрдами олишлари мумкин!
- Боғлам материаллар ва тиббиёт асбобларининг стериллиги кафолатланган.
- Хафтанинг хар чоршанба куни 50 % чегирма.

Манзил: Тошкент шаҳри, Фаргона йули, 505.  
 Мўлжал: «Чен- Сон» кафеси. ТЕЛ: 131-36-86, 290- -21-05.  
 Хизматлар лицензияланган № 5722

### ҚИЗЛАРГА

**ИЗХОР**

*Гўзаллик тимсоли, меҳри бир дил,  
 Ҳаё, эзгуликка ошуфта кўнгил.  
 Ҳаёт давомчиси, дунё таянчи,  
 Элу юрт номуси, борлиқ қувончи.  
 Жами нафисликлар жамланган бир гул,  
 Қалбларнинг офтоби — сиз бир атиргул.  
 Дунё борлигига асосчисизлар,  
 Оламга кўёшсиз, муқаддас қизлар.*

*Сизлар — сеvimли ёр, бўлажак она,  
 Дардкаш она-сингил, сирдош дугона.  
 Бахтларга талпиниб яшовчи тилак,  
 Севиб, севилишга орзуманд юрак.  
 Мурудинга оёқ кўймасин бахил,  
 Оқошларга кўмил, ардоқли эй дил!*

Ҳимоят НАЗАРОВА,  
 Сирдарё вилояти,  
 Гулистон тумани,

# БАҲОР КЕЛДИ, БИЗНИ СЎРОҚЛАБ

Эрталаб телефонда табрик эшитиб, кайфиятим кўтарилди. Қаранг, баҳор келибди-ю, сезмай қолибман. Тонги кўнғирок сабаб кўтаринки кайфиятда остона ҳатладим. Димоғимга мусаффо ҳаво урилди. Қуёш ҳам, осмон ҳам бошқача. Наҳотки, бир кунда ҳамма нарса ўзгариб қолди? Кечagina қовоғини солиб турган булутлар бугун қуёшга жой бўшатаётгандек гўё. Бекадга ҳам кўтаринки кайфият: нурунийлар кўкнамга етказганига шўқрона айтишади, ёшлар енгил ҳазил-мутойиба билан бир-бирларини кутлашмоқда.



дала-яйловлар бағрига кетгим келаётганини ҳис қилдим. Рухим шу қадар енгилки, гўёки вазнсизлик ҳолатида тургандайман. Оёқларим ерда эмас, ҳавода. Ҳозир сизга эриш туюлар, аммо баҳорнинг биринчи тонгида пиёда сайр қилинг, менинг ҳайрат-ҳаяжонимни ана шунда, албатта, ҳис қиласиз. Кимнингдир

Тошкентнинг кенг ва равон кўчаларидан яёв кезиб борар эканман, олис, пурвиқор тоғларгами, кенг

кўнглини кўтаргингиз, кимгадир яхшилик, яна бировга эса гул совға қилгингиз келади. Шу онда дунёнинг барча ташвишлари унут бўлиб, бор гўзаллиги билан кўз олдингизда қад ростлайди.

Йўл четида эринибгина ниш отган майсага кўнган шабнам, уйқудан кўз очган дарахт куртаклари, нур эмас, иссиқ меҳр улашган қуёш — барчаси мўъжизадек. Хайрон қолсан киши, баҳорнинг биринчи кунни бир йилга татиғулик завқ беради одамга.

Ширин хаёллар билан факультет эшигига етиб келганимни ҳам сезмай қолибман. Навбатчилик чекига тушган нозиккина қизнинг «Кеч қолдингиз, гуруҳингиз ва фамилиянгни ёздингиз!» деган жарангдор овози ерга «қайтиб» тушишимга сабабчи олган қиз чимирлиганча мендан жавоб кутарди. Беихтиёр «Баҳор келди, баҳорнинг биринчи кунни муборак бўлсин!» дея уни қучоқлаб олдим...

**Дилроз АБРАЕВА, ЎзДЖТУ талабаси.**

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!

## Бахтли бўлинг!

«Йигитлик бурчимни Афғонистонда ўташга тўғри келди. Қисмат экан-да, бир оёғимдан ажраб, ногирон бўлиб қолдим. Ҳаётнинг аянчи синовларига дуч келдим. Рухим тушган пайтлар ҳам кўп бўлди. Бир кунни иш билан Самарқандга бориб, Тошкентга қайтишда автобусда икки оёғи йўқ, ўрта ёшлардаги аёлни кўриб қолдим-у, ўзимдан уялиб кетдим. Олдинги ўриндиқда ўтирган бу аёл ниҳоятда хушчақчақлик билан кизик-кизик воқеалар, латифалар айтиб, ён-атрофдагиларни кулдиради. Орқа эшикдан чиққанлигим сабабли унинг икки оёғи йўқлигини билмаганим учун бунча қаҳажон бўлмасам, дунё ўзиникида деб гашим келганди. Айтаётган латифаларига беихтиёр кула бошладим, кайфиятим кўтарилди. Тошкентга етиб келгач, йўловчилар олдини эшикдан туша бошлашди. Хайдовчининг ёнидаги ёрдамчи шахд ўрнидан туриб, иккита қўлтиқтаёқни аёлга тутиб, тушишига ёрдамлашди. Эътибор бердим, бу ногирон аёлнинг юзидан тушқунликдан асар ҳам йўқ эди. Қўлтиқтаёқни оёқларига айлантириб олганидан ҳайратга тушдим. Эҳ-ҳе, бунинг учун қанчалар чидамли, бардошли бўлиш кераклигини мендайлар яхши билади. Уша кундан ҳаётимда бурилиш бўлди. Шунчаки бориб келадиган ишимга қизиқишим ортди. Кайфиятимни кўриб онаизорим суюнди. Ҳозир уйланишга астойдил қарор қилдим. **Ёшим 40 да.** Тақдир ўзимникига ўхшаб меҳрибон, оққўнлигил кизга уйланиш ниҳоятданман.

«ёдирдим-ичирдим, мана вояга етдинг. Энди укамнинг ўлига турмушга чиқасан», деб мажбуран узатди. Янгамнинг жияни болалигида автоҳалокатга учраб, ногирон бўлиб қолганди. Тоғам хотинига қарши боролмади. Тўйимиз бўлди. Қайнота-қайнонам мени еру қўкка ишонмасди. Кетиб қолмасин деб қўнғилимга қарашарди. Қўлим ишга, оғзим ошга бормасди. Бир кунни меҳмонга келган аммам озиб-тўзиб кетганимни кўриб, «Акамнинг руҳини чириқлатмайман, майли мени укам, келиним опа демай қўя қолсин, лекин сени олиб кетаман», деб туриб олди. Шу-шу амманникида яшай бошладим. Тўрт ойдан сўнг ўйилчани бўлдим. Ҳозир у 3-синфда ўқийди. Аммам қўзимнинг очкилигида қайта турмуш қуриб, бахтли бўлганини кўрайин, дейди. **Ёшим 32 да.** Диёнатли, ўрлимнинг кўнглини ўқситмайдиган эркак учраса, турмушга чиқмоқчиман.

**ДИЛОРОМ, Навоий вилояти.**

«Онам «холангининг ақлли, кўхликкина қайсинглиси бор, бир бориб бўлгин», дея ҳоли-жонимга қўймади. Зубайда истарали, иройли экан. Шу қиз сизга маъқул бўлса, мен розиман, дедим. Тўйимиз яхши ўтди. Лекин йиллар ўтиб, хотиним ўз-ўзидан ўзгариб, тирноқнинг тағидан кир қидирадиган бўлиб

қолди. Кейин... Уй-жойимни ташлаб чиқиб кетдим. Қонуний ажрашдик. Ноилж. **Ёшим 49 да,** маълумотим олий. Қадримга етадиган, сардоқатли, оилани муқаддас деб билладиган аёлни излаяпман.

**ЖУРАБЕК, Тошкент вилояти.**

«Қизимнинг тушган жойида туп қўйиб, палак ёзишини истагандим. Афсус... бундай бўлмади. Савлатидан от хуркадиган қўввим Нодир ҳеч жойда ишламас экан. Ота-онаси яхшигина жойда хизмат қилади, деганди. Оқ юшиб, оқ тараб вояга етказган ота-онасининг дуосини олиш ўрнига нафақасига кўз тикиб яшаркан. Эркак бекорчи бўлса, майдалашга кетаркан. Эри эканлигини рўқач қилиб, қизимни иши юришиб, бой-бадавлат бўлиб кетишига ишонтириб, бор тақинчоқларини сотибди. Бу ҳам етмагандай пальтосини ўзига билдирмай, олиб чиқиб кетибди. Қизим охири йилгагина менга ёрилди. Отасига айтсам, фиғони фалакка кўтарилди. «Қуввинг аҳоли ўзгармайди, тамом», деб бир йилу уч ой яшаган қизимни ахратиб олишга мажбур бўлдим. Қизимнинг **ёши 22 да.** Маълумоти — ўрта-маҳсус. Ёшига мос, хунарли эркак учраса, яхши бўларди.

**ХОСИЯТХОН, Самарқанд вилояти.**

### ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқига ҳат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46**

**АБДУСАМАТ, Тошкент шаҳри.**

«Ота-онам бевақт вафот этиб, тоғамнинг қўлида қолдим. Янгам

## «ИНФАРММАДАД»

**Саломатлик марказига марҳамат!**

Марказда малакали шифокорлар — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, сельминтолог, лор, окулист, болалар невропатолог, шунингдек, УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапия хизмати фаолият олиб боради.

**КўПЛАБ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОНЧИНИ ТУҲФА ЭТИБ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ, СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАҚАЛОҚ ОВОЗИ ЯНГИРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!**

Ёш келинлар ҳомиладорлик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга, даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригидан ўтиб, фойдали йўл-йўриқлар олиб туриши мумкин.

Энди дунёга келган чақалоқлар эса мунтазам равишда болалар невропатолог, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, сельминтолог кўригиде бўлади.

Ҳурматли эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳолатга тез-тез чиқиш, пешоб келгандан сўнг ачишиши, жинсий оқизлик, бепуштлиқ, сабабсиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриб, қотиб қолиши, асабийлик, уйқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатишса, малакали уролог, сексopatолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардлардан тезда фориғ бўлишингиз мумкин.

Балоғат ёшидаги қизларда ҳайз келганда кучли оғриқ бўлиши, бепуштлиқ, сабабсиз қор кетиши, туҳмудон кистаси, асабийлашиш, қиқ ёшдан ошган аёлларда қон босимининг ошиши, терлаш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса, малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида даволанади.

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, «Гафур Ғулум» метро бекати. МЎЛЖАЛ: Цирк томонга 150 метр юрилади. Тел: (8-371) 244-73-24, 244-89-02**  
Барча хизматлар лицензияланган.

## «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларга таклиф этади:

- Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
- Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
- Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқуш, 2 ойи амалиёт.
- Ҳамшира (тезагор) — 3 ой.
- Тиббий массаж — 2 ой (амалиёт билан). Нўқтали — 1 ой.
- Торт ва пишириқлар — 2 ой (амалиёт билан).
- Пишириқлар олий курси — 1 ой.
- Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой (амалиёт билан).
- Аёллар сартарошлиғи — 3 ой (амалиёт билан).
- Педикюр, маникюр — 1 ой (амалиёт билан).
- Сартарошлик — 3 ой (амалиёт билан).
- Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
- Элита парда ва чойшаблар — 1 ой (амалиёт билан).
- Сартарошлик — 2-3 ой (ўял болалар учун, амалиёт).
- Каштачилик — 3 ой (машиналда вишикка).
- Тўқувчилик — 2 ой.
- Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
- Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
- Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.
- Арабча ва миллий рақс — 3 ой.

■ Маашгулотлар амалиёт билан бирга олиб борилади.

■ Ётоқхона мавжуд.

Ўқшни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 (кундузи), 225-97-93 18:00дан 22:00 гача.

Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавабгар эмас.	<b>Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ</b>	<b>БОУНА ИНДЕКСИ</b> — 176 Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 132. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ. Адади — 11376 Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ Саҳифаловчи — Илхом ЖУМАНОВ Сайдгани САЙДАЛИМОВ, Феруза РАХМОНКУЛОВА
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 16:00.	Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20 Мухбирлар: 234-25-46 Котибият: 233-04-35	<b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> Тошкент — 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй Мўлжал: Олой бозори ёнида
E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz	Web-site: oilavajamiyat.uz	ISSN 2010-7609 2 3 4 5